*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ оқшоми

Ўзбекистон Компартияси Тошкент шаҳар комитети ва халқ депутатлари шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган. № 154 (7. 243) 1990 йил 10 июль, сешанба Баҳоси 3 тийин

## Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди тўғрисида

# АХБОРОТ

1990 йил 7 июль куни Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партияси XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди

Танаффусдан кейин мажлис М. С. Горбачев раислигида ўтди.

Съезд КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзоларининг ўзларига берилган саволларга жавобларини тинглашни давом эттирди. Съезд қатнашчилари ҳузурида КПСС Марказий Комитетининг котиби Е. К. Лигачев, СССР Ташқи ишлар министри Э. А. Шеварднадзе сўзга чиқдилар.

Бир қанча делегацияларнинг таклифига биноан жавобларни тинглаш шу билан ниҳоясига етказилди.

Шундан кейин Таҳрир комиссиясининг раҳбари В. А. Ивашко КПСС XXVIII съездининг партия Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботи юзасидан резолюцияси лойиҳаси ҳусусида олиб борилган ишлар тўғрисида съездга маълум қилди ва уни ўқиб эшиттирди.

Дастлабки фикрлашувдан кейин съезд Таҳрир комиссиясига айтилган мулоҳазалар ва таклифларни ҳисобга олиб, мазкур ҳужжатни узил-кесил ишлаб чиқишни ҳамда уни съезд делегатларига тақдим этишни топширди.

* * *

1990 йил 8 июль куни Москвада Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди. Съезд ишн ялпи мажлислар доирасидан ташқарида ўтди.

Кремлнинг Съездлар саройида М. С. Горбачев ва Н. И. Рижковнинг партия XXVIII съездида қатнашаётган ишчилар ва колхозчилар билан учрашуви бўлиб ўтди.

Учрашув юғида мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш муаммолари, жамиятда КПССнинг ўрни ва роли тўғрисида, миллатлараро муносабатлар, жамоат тартиби ва интизомнинг аҳволи ҳақида қизғин фикрлашувлар бўлиб ўтди. М. С. Горбачев билан Н. И. Рижков съезд қатнашчиларининг кўпдан-кўп саволларига батафсил жавоб қайтардилар.

Съезднинг топширувига биноан Таҳрир комиссияси партия Марказий Комитетининг Сиёсий ҳисоботи юзасидан резолюция лойиҳаси устида яна ишлай бошлади.

* * *

1990 йил 9 июлда Москвада, Кремлнинг Съездлар саройида Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирди.

Эрталабки ялпи мажлисда СССР Министрлар Советининг Раиси Н. И. Рижков раислик қилди.

Делегатлар КПСС XXVIII съездининг Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети Сиёсий ҳисоботига доир резолюцияси лойиҳасини асос учун қабул қилдилар.

Сўнгра мажлисда баъзи кундалик ва нш тартиби масалалари юзасидан фикрлашиб олинди.

Сўнгра КПСС Мркazий тафтиш комиссияси раисининг ўринбосари А. А. Низовцева ва КПСС Марказий Комитети ишлар мудири Н. Е. Кручина саволларга жавоб қайтардилар.

Съезд КПСС Марказий тафтиш комиссиясининг ҳисоботини тасдиқлади.

Танаффусдан сўнг съезд КПСС XXVIII съезди Мандат комиссиясининг раиси Ю. А. Манаенковнинг тушган сўровлар муносабати билан айрим делегатлар ваколатларини текшириш тўғрисидаги ахборотини тинглади ва маълумот учун қабул қилди.

Делегатлар съезднинг қуйидаги резолюцияларини ҳар томонлама муҳокама қилдилар ва қабул этдилар:

«Ҳозирги босқичда партия ҳарбий сиёсатининг асосий йўналишлари тўғрисида»;

«Демократик ҳуқуқларни ҳимоя қилиш учун, коммунистларнинг қувғин қилинишига қарши».

Сўнгра КПСС Марказий Комитетининг котиби А. Н. Яковлевга сўз берилади. У ўзининг делегатлар гуруҳи билан учрашувларидан бирида съездда норасмий равишда тарқатилган маълумотларни рад этди, бу маълумотларни мутлақо асосланмаган уйдирма, деб атади.

Ана шу баёнотдаги фактларни текшириш ҳақида топшириқ берилди.

СССР давлат хавфсизлиги комитетининг раиси В. А. Крючков саволларга жавоб қайтарди.

Симда—Москва

# БАҲС ДАВОМ ЭТАДИ

**КПСС XXVIII съездида иш олиб бораётган секциялар ўз ишини якунлади. Уларнинг натижалари қандай баҳоланмоқда? Бу саволга XXVIII съезд делегати, Тошкент шаҳридаги 41-мактаб директори Н. Аҳмедова , телефон орқали шундай жавоб берди.**

⊙

— Секциялардаги асосий ишлар якунланди. Узоқ давом этган қизғин мунозаралардан кейин тегишли қонунлар қабул қилинди. Мен ўзим ёшлар масаласи бўйича ишда қатнашдим. Келажагимиз ёшлар қўлида бўлганлиги учун, бу — партиянинг энг эътибор қаратадиган нуқтаси сифатида фаолият кўрсатди. Унда пионердан тортиб, то оилали йигит-қизнинг, айниқса ёш онларни ўй-жой билан таъминлаш муаммоларигача кўрилди. Ниҳоят, «Партия сиёсатида ёшлар масаласи тўғрисида» қонун ишлаб чиқилди.

**— Назира Аҳмедовна, бу янги қонунга муносабатингиз қандай? Шу пайтгача бундай қонунлар қоғозда қолиб келар эди. Қолаверса, бизни ташвишга солаётган ёшларимиз орасидаги ишсизлик, жумҳуриятимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил қилиши, умуман минтақа шароитлари ҳисобга олиндими?**

— Партия тарихида бу қонун биринчи марталиги билан аҳамияти катта. Шунинг учун қоғозда қолмаслиги маълум. Бунинг устига унинг бошида турган 43 нафар делегат қонуннинг бажарилишини ўз назоратига олади. Қонуннинг энг муҳим томони — сиз айтаётган ўша минтақа шароитлари ҳисобга олинган.

**— Сизни мактаб раҳбари сифатида жумҳуриятимиз мактабларининг шароити ташвишга солиши табиий, албатта. Қонунда бу нарсалар қандай жой олган?**

— Қишлоқ мактаблари билан шаҳар мактаблари ўртасида албатта ер билан осмонча фарқ бор. Ўра-ура билан шаҳар мактабларини компьютерга тўлдираяпмиз-у, қишлоқда синф хоналарни иситишга кўмир ахтаришади. Авария ҳолатидаги сменалаб ўқитилаётган мактабларнинг-ку сонини гапирмаса ҳам бўлади. Секция йиғилишида сўз олиб, битта қўймай гапирдим. То бизни марказ назорат қилар экан, бу муаммоларни ечишга ёрдам берсин, деб талаб қилдим. Яхши гапим инобатга олинди. Яна жумҳуриятимиз раҳбариятининг бу соҳадаги ибратли ишлари, болаларга бепул овқат кабилар ҳақида гапирганимда залда делегатлар қарсаклар билан маъқулладилар. Ҳатто болтиқбўйилик делегат аёллар бу ишлар учун Президентингизга раҳмат айтинг, дея алоҳида табрикладилар. Хуллас, ҳамма гап қонуннинг бажарилишида қолди.

**— Кеча КПСС Устави ва Ҳаракат дастури бўйича дастлабки муҳокамалар бошланди, мазкур йўналишда муҳим ҳужжат қабул қилинар экан, мунозарага нуқта қўйиш вақти келибди-да?**

— Албатта, ҳамма ўз фикрига таяниб иш кўради. Менимча, партиянинг кейинги равнақида коммунистларнинг бир хиллиги асосий роль ўйнайди.

**— Ахир бу КПСС Уставидаги қуйи партия органлари юқори партия органларига бўйсунади, деган принципга тўғри келмайди-ку?**

— Буни бошқачароқ тарзда, яъни шахсга нисбатан қайд этиш керак. Юқори партия органи юқоридаги коммунист шахси бўлиб қолмаслиги лозим. Умуман, бу хилдаги фикрлар турлича, баҳс ҳали давом этади.

Суҳбатдош Ф. ҲУСАНОВА.

Менинг съездга муносабатим

# Ёлғиз отнинг чанги чиқмас

**КПСС XXVIII съездидаги мунозаралар миллионлаб одамлар, коммунистлар ва партиясизларнинг диққат марказида турибди. Аслини олганда, у ерда тараққиётимизнинг стратегияси ишлаб чиқилиши лозим. Лекин одамлар партия анжумани ишнинг боришидан қониқяптиларми? ЎзТАГ мухбирлари жумҳурият аҳолисидан айрим кишиларга шундай савол билан мурожаат қилдилар.**

**Октябрь инқилоби номли Тошкент тепловоз ремонти заводида журналистнинг ҳатто ўзига хос «ишчи планёрка»сн»да иштирок этишига ҳам тўғри келди. Мана, ишчилар билдирган мулоҳазаларнинг қисқача мазмуни.**

**В. Я. ДИДОК, 2-механика цехининг токари, Ленин район Советининг депутати:**

— Агар мен ишда бракка йўл қўйсам, бунинг учун жавоб бераман. Партия ходимларичи? Хатога йўл қўйса бошқа мансабга ўтиб олаверишми? Партия ходимида ҳам бошқалардагига ўхшаб ўз иши учун масъулият бўлиши керак. Лекин, афсуски уларда бундай масъулият йўқ. Мана съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоларини ва Марказий Комитет котибларини ҳисобот беришга мажбур қилишди. Менда эса улардан қайси бирларидир партиялилар оммаси ҳузурида сўзлашга қодир эмас, деган тасаввур пайдо бўлди. Умид қиламанки, съезддан кейин партиянинг ҳар қандай даражадаги раҳбарлари уларни шу лавозимга сайлаган коммунистлар олдидаги масъулиятни ўткирроқ ҳис этадилар. Бунинг эса ҳаммамиз учун фойдаси бор.

**С. Н. КОСТЯЕВА, темирчилик цехининг бутловчиси:**

— Яхшиямки, ҳозир бизда ошкоралик, барқарор халқаро аҳвол мавжуд. Бу жуда яхши, лекин шуниси чатоқки, оддий ишчи қайта қуриш бораётган бутун йиллар ичида ҳатто ўз турмуш даражасини бироз бўлсада яхшиланганини кўрмай ўтиб кетаяпти. Одамларнинг 90 фоизи нима учун шундай бўлганини тушунмаяпти, ҳукуматимиз ва партия раҳбарияти эса бу мураккаб саволга жавоб беролмаяпти. Мамлакат коммунистларининг олий анжумани бу асосий масалаларнинг жавобини ҳар қалай топади, деб ўйлайман ва бунга умид қиламан.

**А. БЕРДИМБЕТОВ, ғилдирак цехининг ишчиси:**

— Пассажир поездини бошқариб кетаётган машинист зиммасида юзлаб одамлар тақдири учун жуда катта масъулият бўлади. Партия раҳбарияти эса бутун мамлакат ва ҳар бир одам тақдири учун масъул бўлиши лозим. Шунинг учун ҳам ҳозирги съездда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолари, Марказий Комитет котиблари ва аъзолари таркибини бутунлай янгилаш мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблайман.

**Г. И. ГРИГОРЯНЦ, электр цехининг устаси:**

— Мен соғлом фикрни, қабул қилинаётган қарорлар оқибатларини кўра билиш, халққа мос келадиган йўлларни топа олиш қобилиятини афсал кўраман. Мен аҳолини фақат иқтисодий муаммоларгина ташвишга солаяпти, деяётган делегатларнинг фикрига қўшилмайман. Одамларни экология, миллатлараро муносабатлар муаммолари, душманлик кайфиятларининг авж олиши ташвишга солмоқда. Агар партия жамиятда йўлбошчилик қилишдан умидвор бўлса, ана шу барча муаммоларни ҳал этиш масъулиятини ўз зиммасига олиши керак.

**Н. В. ГОРБАЧЕВА, механика цехининг иқтисодчи инженери:**

— Мен Горбачевни, унинг сиёсатини қўллаб-қувватлайман. Кўпчилик уни тушуна олмаяпти. Ахир, унинг янгича тафаккур тўғрисидаги бутун концепцияси бунёдкорлик ғояларидан иборат-ку. У партия раҳбари вазифасида қолармикан? Агар қолмаса, XXVIII съезддан кейин КПСС қандай бўлади, мамлакат қайси йўлдан боради? Мана шу савол мени ҳаммасидан кўра кўпроқ ташвишлантирмоқда.

Долзарб мавзуда суҳбат

# ВАЗИФАМИЗ—БОЗОРЛАРДАГИ НАРХ-НАВОНИ ПАСАЙТИРИШ

**Тошкент бозорларига келган харидорлар мавсум авжига чиққан пайтда нарх-наво жуда юқорилигидан ҳўрсинишмоқда. Айни вақтда давлат ва кооператив савдоси хусусий кишилар билан жиддий рақобат қила олмайди. Юзага келган вазият сабаблари ҳамда уни бартараф этиш йўллари ҳусусида ЎзТАГ мухбири А. Безверхов билан Тошкент шаҳар деҳқончилик саноат бирлашмасининг ранси С. Т. Тошқулов суҳбатлашди.**

⊙

**— Сергей Тошқулович, шу кунларда бозор пештахталари сабзавот маҳсулотлари ва ширин-шакар мевалар билан тўлиб-тошган. Бироқ, уларнинг нархи сезиларли даражада пасаймаяпти, бунинг сабаби нимада!**

— Пулнинг умумий қадрсизланиши асосий сабаблардан бири деб ўйлайман. Ўтган қисқа вақт ичида кўп молларнинг нархи кўтарилиб кетди. Шу сабабдан бозорга маҳсулот олиб келаётган деҳқон ишлаб топган пулига қанча нарса харид қилиши мумкинлигини ҳисоблай бошлайди. Табиийки, бунда шаҳарликларнинг елкасига кўшимча оғирлик тушади. Шу боисдан ҳамма учун мақбул бўлган нархларда турли-туман ва сифатли маҳсулот сотилишини таъминлашимиз зарур. Бошқача айтганда, бозорнинг ҳақиқий рақобатчиларига айланишимиз ва бу билан нарҳларни пасайтиришимиз керак.

Шу мақсадда Тошкентда мева-сабзавот маҳсулотлари сотадиган 600 га яқин мавсумий дўкончалар очмоқдамиз. Бундай дўкончалар метро станциялари олдида, аҳоли зич яшайдиган жойларда, катта корхоналар ичкарисида ва улар дарвозахоналари ёнида, талабалар ва ишчилар ётоқхоналари олдида ва маҳаллаларда бўлади. Бундан мақсад шуки, одамлар маҳсулотнинг кўп қисмини иш жойларида ёки уйлари олдида, колхоз бозорига бормасдан сотиб оладиган бўлсинлар. Ўшанда нархнаво пасайиши муқаррар бўлади.

Бунинг бошқа йўли ҳам бор. Ҳозир Тошкентнинг шаҳар деҳқончилик-саноат бирлашмаси таркибига кирадиган каттакатта бозорларни хўжаликларга биркитиб қўйдик. Масалан, Олой бозорида «Қорасув», «Қибрай», «Огонёк», Мусамуҳамедов номли совхозлар ва Калинин районидаги Калинин номли колхоз иш олиб боради. Эски шаҳардаги бозорда эса Тошкент районининг, Фарҳод бозорида Янгийўл районининг хўжаликлари шаҳар аҳолисига хизмат қиладилар ва ҳоказо.

Бунда хўжаликларнинг вакиллари ўз маҳсулотларини сотаётган хусусий кишиларга аралашиб кетадилар ва сифати жиҳатидан бозорникидан ёмон бўлмаган ўз маҳсулотларини харидорларга тақдим этадилар. Хўжаликларга шартномавий нархлар белгилаш рухсат этилди, лекин ҳар қандай ҳолда бу нархлар бозорникидан тахминан икки баравар кам бўлиши керак.

**— Унда сабзавот дўконлари нима билан савдо қиладилар! Чунки ҳозир қўшимча савдо шохобчаларн бўлмаган бир пайтда, бу дўконларнинг пештахталари жуда ғариб кўринади.**

— Бу йил боғлар ва далаларимизда ҳар қачонгидан кўра мўл ҳосил етиштирилди. Буни маълумотларимиз ҳам тасдиқлаб турибди. Ўтган йили июнь ойининг бошларида 17 минг тонна маҳсулот сотган эдик. Ҳозир эса ундан икки баравар кўп — 35 минг тонна мева ва сабзавот шаҳар аҳлига етказиб берилди. Лекин мева дарахтларида, полизларда ҳали ҳосил кўп. Колхозчилар ва совхозларнинг ишчилари ҳосилни йиғиштириб олишга улгурмаяптилар. Шу сабабли шаҳарликларга ҳосилни йиғиб олишда ёрдам беришларини сўраб, уларга мурожаат этдик. Ҳозир бир қанча техникумларнинг ўқувчилари дала меҳнаткашларига ҳашарга жўнаб кетишди.

Бу иш янгича шароитда олиб борилмоқда. Агар хўжалик бундан илгари бир килограмм мева учун 2 тийин тўлаган бўлса, ҳозир у 10 тийинга кўтарилди. Сабзавот маҳсулотларини йиғиштириб олишда қатнашганлиги учун тўланадиган ҳақ ҳам анча кўпайтирилди. Хуллас, биринчи навли маҳсулотга энг кўп ҳақ тўланади, чунки пировард натижада бундан хўжалик ҳам фойда кўради. Умуман бу иш ҳаммага фойдали.

Бундан ташқари Тошкентда энг катта корхоналарнинг раҳбарлари билан учрашдик ва уларнинг ходимларига колхоз ва совхозларда имтиёзли шартларда ишлаб беришни таклиф қилдик. Биринчидан, улар йиғиштириб олган ҳамма маҳсулот ҳашарчи юборган жамоанинг ўзида сотилади. Иккинчидан, мева ва сабзавот йиғиштириб олишда қатнашаётганлар иш ҳақидан ташқари, йиғиб олинган маҳсулотнинг ўндан бир қисмини давлат харид нархларида, натура ҳақи сифатида сотиб олишлари мумкин. Бу усул ўз таъсирини кўрсатди: кўп корхоналар хўжаликларга ўз одамларини юбормоқда. Маълумотларга қараганда, улар жуда унумли ишлаяпти.

Ниҳоят, Тошкент шаҳрида катта сабзавот ярмаркалари ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Жумҳуриятимиздаги ҳар бир вилоят шаҳардаги маълум бир районга бириктириб қўйилди. Вилоятлар мавсум мобайнида ҳар ўн кунда бир марта янги маҳсулот олиб келадилар. Бу Тошкентга янги йиғиштириб олинган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари муттасил келиб туришини таъминлайди.

**— Сергей Тошқулович, неча юзлаб километр йўл босиб, мева-сабзавот маҳсулотларини ташиб келтириш қимматга тушмайдими!**

— Бу мақсадга мувофиқ, деб ўйлайман. Биринчидан, жумҳуриятимизнинг турли ерларида турли навдаги сабзавот ва мева, полиз маҳсулотлари етиштирилади. Масалан, Хоразмнинг машҳур қовунлари ёки Сурхондарёнинг узуми, хурмоси, лимон ва анорларини олайлик. Наманган олмаларини айтмайсизми?

Иккинчидан, бундай ярмаркалар деҳқонларнинг ўзларига ҳам керак. Чунки пахта майдонларининг камайтирилиши мева-сабзавот маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиришга имкон берди. Уни қайта ишлашга улгура олмаяптилар, шу сабабдан нобуд бўлиши мумкин. Пойтахтда эҳтиёж бор экан, бозор қонунига мувофиқ уни қондириш лозим.

**— Ҳозир иқтисодий омиллардан фаолроқ фойдаланиш — кичик-кичик савдо корхоналарини тайёрлаш ва қайта ишлаш тармоқларини ижарага бериш, жамоа пудратига, шахсий меҳнат билан шуғулланувчиларга топшириш тўғрисида қарор қабул қилинди. Хўш, бу омиллар қандай бўларкин!**

— Бизда бундай тажриба бор. Куйбишев район улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатининг дўконлари икки йилдан бери ижара асосида ишламоқда. Ижобий натижалар шундоққина кўриниб турибди. Ходимлар ташаббус кўрсатишмоқда. Сарф-харажатларни камайтириш, товар оборотини кўпайтириш йўлларини излашмоқда. Чунончи, ҳар бир дўкон сув учун йилига 50—60 сўм тўлар эди. Ҳозир сув сарфини ҳисоблайдиган қурилмалар ўрнатилди, буни қарангки, тўлов ҳажми бирданига деярли ўн баравар камайди. Бошқа ресурсларни ҳисоб қилишни ҳам йўлга қўйдик. Бу дўконларга ишлаб топилган пулнинг 6 фоизи берилади, шундай норма ўрнатилган. Маошга чегара қўйилмаганлиги сабабли жамоалар иложи борича кўпроқ маҳсулот сотишга ҳаракат қилишади. Бунинг учун молларни кузатиш, ишонса бўладиган маҳсулот етказиб берувчиларни излаш, харидорларни жалб қилиш кераклиги ўз-ўзидан равшан.

Энди шаҳарнинг ҳар бир районидаги иш бошлаш учун биттадан чоғроқ дўконни олишга қарор қилдик. Яъни биз қариндошуруғлар биргаликда ишлаётган дўкондорлардан фойдаланмоқчимиз. Уларни шу оилаларга хусусий мулк қилиб берамиз. Шартларимиз қуйидагича: шартномага мувофиқ дўконни моллар, ресурслар билан таъминлаймиз, дўконга эса бутун оила қарайди. Биз тушган пулнинг тахминан олти-саккиз фоизини улуш сифатида олишни белгилаб қўямиз. Қолгани эса дўкон эгаларининг ҳамёнига тушаверсин. Бунда уларнинг ўзлари нарх белгилайдилар. Дўконда хилма-хил маҳсулотлар сотилиши керак бўлганлиги сабабли, бу маҳсулотлар нархи бозорникидан паст бўлиши ҳаётий заруратдир.

**— Маҳсулотни қайта ишлаш ва уни сақлаш тўғрисида сўрамоқчи эдим. Бу қай даражада йўлга қўйилган, муаммолар борми, истиқболлар қандай!**

— Бизда омборхоналар етарли. Уларнинг умумий ҳажми 140 минг тоннани ташкил этади. Лекин уларнинг деярли ҳаммаси ишга туширилганига йигирма йилдан ошди. Масалан, музлатгич қурилмаларнинг катта қисми аммиак ёрдамида ишлайди. Бу суюқлик қувурларга путур етказади. Шу сабабдан совутиш системалари тез-тез ишдан чиқади. Бошқа мушкулликлар ҳам бор. Шунинг учун катта таъмирлаш ишларини режалаштириб турибмиз. Дарвоқе, бу муаммолар иссиқхоналарга ҳам тааллуқлидир. Юз гектардан ошиқ иссиқхоналаримиз бор, улардаги қувурларни ҳам алмаштириш зарур. Қувурлар эса жуда танқис бўлиб турибди. Муаммо жумҳурият ҳукумати даражасида ҳал қилинмоқда.

Энди маҳсулотни қайта ишлаш тўғрисида икки оғиз сўз. Бу бизнинг энг асосий вазифаларимиздан бири.

Агар маҳсулотни қайта ишлашни йўлга қўйсак, ҳамма ишларимиз юришиб кетади.

Ҳозир кўп корхоналар, шу жумладан хорижий корхоналар билан алоқалар йўлга қўйилди. Йил охиригача сабзавот ва мева маҳсулотларини қайта ишлайдиган кичик заводлардан бир нечасини олишга умид қилмоқдамиз.

«Иттифоқ» тижорат жамияти имкониятларидан ҳам фойдаланамиз. Унинг таркибига совет корхоналари, шунингдек АҚШ, Канада, ҒФР, Италия ва Япония фирмалари кирган. Тошкент шаҳар деҳқончилик-саноат бирлашмаси ҳам акцияларга эга. Шу сабабли булочкалар пиширишда, музқаймоқ, чанқовбосди ичимликлар тайёрлашда қўлланиладиган ускуналар етказиб бериш тўғрисида канадаликлар ва италияликлар билан музокаралар олиб боряпмиз. Тошкентнинг одамлар кўп бўладиган ерларида оромгоҳлар ташкил этамиз, бу ерларда одамлар чоғроқ кафеларда ўтириб тамадди қилишлари, ҳордиқ чиқаришлари мумкин бўлади. Уларга кўнгилдагидек хизмат қиламиз.

Гўшт маҳсулотлари тайёрлаш, пишлоқ пишириш, мевалар қуритиш учун кичик-кичик заводлар сотиб олиш тўғрисида ҳам келишиб оляпмиз. Кўчма ғишт заводи сотиб олишни режалаштиряпмиз. Шаҳар деҳқончилик-саноат бирлашмаси таркибига кирадиган 45 та хўжаликнинг ҳаммасини энг юқори иш даражасига олиб чиқиш, уларни энг янги техника ва ишлаб чиқариш технологиялари билан таъминлаш бизнинг вазифамиздир. Ана ўшанда юқори сифатли ва турли-туман маҳсулотлар етказиб бериб, кўнгилдаги самарага эришамиз. Бу яқин икки йилга мўлжалланган истиқбол режаларимиздир.

## Тонгги рўзномаларда

⊙ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг XXVIII съезди ўз ишини давом эттирмоқда. Бугун рўзномаларда съезднинг навбатдаги иш куни ҳақида ҳисобот ҳамда М. С. Горбачевнинг бошланғич партия ташкилотларининг котиблари билан учрашувидан репортаж эълон қилинган.

⊙ «Литва ССР делегацияси билан музокаралар олиб бориш учун ССР Иттифоқи делегациясини тузиш тўғрисида» СССР Президентининг Фармони берилган.

## Муваққат комитет мажлиси

Тошкент шаҳрида жиноятчиликка қарши кураш муваққат комитетининг мажлиси бўлди. Ўзбекистон ССР ички ишлар министрининг ўринбосари, Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети Ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Ж. Ю. Камолхўжаев шаҳарда участка милиция инспекторлари ишини такомиллаштириш, уларни уй-жой билан, хизмат хоналари билан таъминлаш, телефонлаштириш юзасидан қабул қилинаётган чора-тадбирлар ҳақида ахборот берди.

Тошкент шаҳар партия комитети ва шаҳар Совети ижроия комитетининг 1990—1991 йилларда жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш ва ҳуқуқ-тартибот бузилишларининг олдини олишни яхшилаш бўйича партия, совет ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг биринчи навбатдаги тадбирлари комплекс режалари ҳақидаги қарорининг ижроси, ташкилий ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Мажлисни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети раисининг ўринбосари Л. А. Костин олиб борди.

Ҳамшаҳарларимиз дастурхонига

# Сабзавоткорларнинг тошкентликларга саховати

ЭРТА тонгданоқ Қўйлиқдаги давлат автомобиль инспекцияси пости одамлар билан жуда ҳам гавжум бўлди.

Бугун

Андижон вилоятидаги хўжаликлар тошкентликлар учун 50 та юк ташиш машиналарида дала неъматларини олиб келди. Ўрик, узум, олма, шафтоли, картошка, хуллас 1810 тонна сабзавот ва мевалар Тошкент магазинларида сотиш учун олиб келинди.

Бу ерда сабзавоткорларни Акмал Иқромов район улгуржи-чакана савдо мева-сабзавот комбинатининг тайёрловчилари кутиб турар эдилар. Улар олдиндан саноат корхоналари, уй-жой мавзеларида деҳқонлар олиб келган дала неъматларини тезлик билан сотиш жойларини белгилаб қўйган эдилар. Фарҳод ярмаркаси, Фарҳод кўчасида савдо қизигандан қизийди.

Бошқа вилоятлардан ҳам «Қизил карвон»ларнинг кириб келиш вақти белгилаб қўйилган. Бухоро вилояти қишлоқ меҳнаткашлари ўзлари етиштирган мева ва сабзавот маҳсулотларини пойтахтнинг Фрунзе районига олиб келишади. Жиззах вилоятидан эса ширин-шакар дала неъматлари Чилонзор районига келтирилади. Қашқадарё ва Наманган вилоятларида етиштирилган маҳсулотлар Сергели ва Ҳамза районлари меҳнаткашларининг дастурхонини безайди.




⊙ **СУРАТДА: Андижон областидан сабзавот ва мевалар ортилган «Қизил карвон»нинг шаҳримизга кириб келиши акс эттирилган.**

Т. Каримов сурати.

⊙ ТУҚУВЧИЛАРГА ЎРНАК БЎЛАЁТГАНЛАР. Тошкент тўқимачилик комбинатининг 3-филиали пешқадам тўқувчилари Муҳайё Пўлатова (чапда) ва смена устаси Клара Абдурасулова.

Т. Каримов сурати.

Тўла хўжалик ҳисоби: муаммо ва ечимлар

# ЁРДАМ КУТАЁТГАН БИРЛАШМА

**⊙ Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасида сўнгги пайтларда маҳсулот тайёрлаш режаси бажарилмаяпти. Ваҳоланки бирлашмадагилар тўла хўжалик ҳисоби шароитида иш юритишяпти. Нега бундай бўлмоқда? Чеварлар иш вақтининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга астойдил жон куйдиришяпти, лекин бугунги юзага келган вазнят уларнинг барча интилишларини чиппакка чиқарса, бу аҳволдан қандай чиқмоқ лозим?**

БУГУН тикувчиларни аксарият корхоналардаги сингари таъминот масаласи оғир аҳволга солиб қўйди. Кийим-кечакларнинг киши кўзини қувонтирадиган даражада бўлиши учун авваламбор унинг матоси яхши бўлиши керак. Лекин бугун бирлашмага айнан шу нарса етишмаяпти.

Айни пайтда корхонага газламаларнинг 20—22 фоизи чет элдан келтирилади. Булар асосан кремплин ҳамда трикотин - матоларидир. Ғижим бўлмайдиган, ювганда рангини йўқотмайдиган шу матолардан чиройли қилиб тикилган кўйлакларни аёлларимиз яхши кўрадилар. Лекин афсуски уларнинг талабини тўла қондириш имконияти бўлмаяпти. Ҳозиргача бирлашма 10 минг метр трикотин олди, холос. Бу буюртманинг ақалли ярми ҳам эмас. Республика моддий-техника таъминоти давлат комитети ҳамда тармоқ нозирлиги ходимлари таъминот муаммосини ҳал қилмагунга қадар тикувчилар ўзларини ўтга-чўққа урганларидан фойда бўлармикан?

Бирлашма аҳли маҳсулотларнинг турларини тез-тез ўзгартириб турадилар. Илгарилари биргина кўйлак тури йиллар давомида ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозир ҳар бир маҳсулотнинг кичик, кам туркуми чиқишига эришиляпти.

Маҳсулотларнинг 250 дан ортиқ тури бугун савдо шохобчаларига юбориляпти. Уларнинг сифатига бўлган эътиборозлар кескин камайди. Маҳсулот турлари устида бош қотираётган модельер-конструкторлар ҳозир асосий эътиборни ўзимизда ишлаб чиқарилаётган газламаларга қаратяптилар. Наманган, Марғилон, Андижон, Тошкент тўқимачилик корхоналари бирлашмага газлама етказиб бераётган асосий корхоналардан. Лекин улар олиб келаётган маҳсулотлар орасида сифатсизлари кўп. Аксарият газламаларнинг тури ва кўринишни ўнлаб йиллардан бери ўзгармаяпти.

Бирлашма ишлаб чиқараётган маҳсулотларнинг каттагина қисмини мактаб формаси ташкил этади. Уни йил давомида узлуксиз тикиб бориш керак. Ваҳоланки бу формалар одатда йилига бир марта ёз ойларида харид қилинади. Хўш, шундай экан, бошқа ойларда ҳам пештахталарга устма-уст шу формани жўнатавериш тўғри бўлармикин? Йўқ, биз ўқувчилар кўйлагини тикмаслик керак, деган фикрдан йироқмиз. Лекин уни ёз ойларида катта туркумларда тикилсаю, кейинги ойларда камроқ ҳажмда ишлаб чиқарилса яхшин бўлмасмикин?

М. Сайфутдинова, О. Ўлмасова, Э. Сафина, О. Казанова, М. Турсунхўжаева, М. Мадаминова етакчилик қилаётган бригадалар зиммаларига юкланган тошириқларни ортиғи билан адо этишяпти. Лекин уларнинг самарали натижаларга эришиши осон кечмаяпти. Жамоаларнинг аксарияти бригада пудрати асосида ишлаяпти. Жамоалар расмийлаштирилганда айтайлик унда 40 тикувчи бўлса, режалар ҳам ишчилар сонига қараб белгиланади. Лекин бригадада асосан аёллар ишлаши учун бўлса керак, жамолар камдан-кам қўлларда тўлиқ тартибда ишлайдилар. Режаларни эса бажариш керак. Бригада аъзолари меҳнат отпускаси ёки узоқ муддатли отпускага кетганлар учун ҳам ишлашади. Жамоалар ўз зиммаларига юкланган вазифаларни тўла адо этганларидагина мукофот олишлари мумкин. Ҳар ҳолда умумий топшириқларни бажариш осон кўчмаяпти. Бирлашмада кўнгилдагидек меҳнат қилиш учун ҳозир ишчи қўллари етишмайди. Хуллас, кадрлар муаммоси биринчи масалалардан бўлиб турибди. Нега кадрлар етишмаяпти, деган савол туғилиши табиий. Бу ерда ўртача маош 190 сўм. Лекин бу бугунги кун даражасида эмас. Ишчиларнинг кўпчилиги сўнгги пайтларда турли ширкатларга ўтиб кетишяпти. Ширкатлар ва давлат корхоналари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлаш бир-биридан кескин фарқ қиляпти. Агар ширкатларда бир кўйлак ёки плашч 10—15 сўмга тикилса, корхонада бунинг учун 1,5 сўм тўланади, холос. Шундай экан, бу ҳақда жиддий ўйлаб кўриш, меҳнатга тўланадиган ҳақни қайта кўриб чиқиш фурсати етмаганмикин? Чунки бу муаммо фақатгина Тошкент тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасигагина эмас, балки барча тикувчилик корхоналарига ҳам тегишли.

Хуллас, тегишли мутасадди ташкилотлар ва тармоқ нозирлиги бирлашмага амалий ёрдам кўрсатсаларгина иш олдинга силжиши мумкин. Чунки чеварлар ҳозир айнан уларнинг ёрдамига муҳтож, қолган муаммо ва камчиликларни ҳал этиш эса тикувчиларнинг ўзларига боғлиқки, бунга ҳам унутмаслик зарур.

**В. МАДИМАРОВА.**

Депутатлар фаолияти

# ОҒИРНИ ЕНГИЛЛАТИШ УЧУН

БУГУН яна иккита трамвай носозлиги туфайли маршрутдан қайтиб келди.

— Бу қанақаси, — учирма қилди ҳайдовчи слесарь Норқул Раҳмоновга. — Ахир қачонгача «мендан кетгунча» қабилида иш тутасизлар? Инсоф ҳам керакда ахир!

Бу сўзлар Н. Раҳмоновга оғир ботди. Вазиятни кўриб тилини тишлади. Ахир у нима қилсин? Ҳар кунги йўлдаги носозликлар жонига тегадида. Лекин, эҳтиёт қисм етишмаса биз ҳам нима қилайлик. Ахир йўқ жойдан қачонгача йўндирамиз. Борига бозор қилсак эса аҳвол бу. Йўқ. Бу масалани очиқ қолдириб бўлмайди.

Ўша куни слесарь Норқул Раҳмонов мана шу гапларни дилига тугиб қўйди.

Йиғилишда биринчи бўлиб сўзни партия ташкилотининг секретари Абдураҳим Абдуҳалилов олди.

— Шаҳар трамвайининг бугунги истиқболи ҳар жиҳатдан бизга боғлиқ. Ҳозирги шароитда вагонларнинг реостатини мукаммал созлашга кўпроқ эътибор бериш керак. Кеча 11-маршрутдан иккита вагон худди шу қисми пухта созланмаганлиги сабабли депога қайтиб келди. Ҳаракат тезлигини оширадиган ва туширадиган бу қисм ҳам трамвайнинг техника тузилишида муҳим роль ўйнайди.

— Коммунист Абдуҳалилов ҳақ гапни айтдилар, — сўз бошлади Н. Раҳмонов. — Кейинги пайтда йўловчилардан кўпроқ шикоят хатлари оладиган бўлиб қолдик. Бу хатларни синчиклаб ўрганганимизда вагоннинг тормоз, компрессор ва реостат қисми носозлиги туфайли трамвайлар кундалик 11,5 соат қиладиган ҳаракатини бажара олмаяпти. Хизмат самарадорлигини ошириш ҳақида гапирмай қўяқолай. Ахир қачонгача эҳтиёт қисмлар етишмайди. Қачонгача арзимас деталларни излаб юрамиз. Ахир нега бу ҳақда маъмурият бош қотирмайди? Кимларнингдир айби билан нега биз слесарлар ҳайдовчилардан дашном эшитамиз. Йўқ, бу масалани бугун очиқчасига ҳал этиб олиш керак бўлади.

Йиғилиш ҳайдовчи, таъмирчи слесарларнинг қизғин тортишуви билан тугалланди. Ҳамма Н. Раҳмонов таклифини қўллаб-қувватлади. Шу ҳақда қарор қабул қилинди. Шундан кейин депода талай ишлар қилинди. 18 та ишлаб чиқариш корпуси замонавий усулда янги техника билан жиҳозланди. Илмий-техника воситаларидан фойдаланаётган 4 та таъмир устахонаси бир вақтнинг ўзида 21 та трамвайни жорий, ўрта таъмирлаш имкониятига эга бўлди. Бу ерда М. Шафиқов, Ҳ. Ваҳобов, М. Ахмеров, М. Раҳматулин, Ш. Қурбонов каби трамвай «шифокор»лари тунда кундузидагидек жавлон уриб меҳнат қилишади. Улар ичида слесарь Норқул Раҳмонов носоз қисмларни пухта ва пишиқ таъмирлаш ташаббуси билан ажралиб туради.

Самарали меҳнат қилаётган Норқул Раҳмонов ҳар куни йўловчилар хизматига 105 та вагон тайёрлашда кунлик иш нормасини 1,5 ҳисса бажаришга эришмоқда. Қадоқ қўлли усталар қўлида сайқал топган трамвайлар шаҳримизнинг 4, 7, 8, 11, 15, 17-маршрутларида гуриллаб юрибди.

— Норқул Раҳмонов Акмал Икромов район Советининг депутати сифатида ҳам фаолият кўрсатмоқда, — дейди унинг ҳамкасбларидан бири Ҳ. Ваҳобов. — У ўзи сайланган 49-сайлов округи аҳолисининг оғирини енгил қилиш учун астойдил бел боғлаган.

— Яқинда сайловчилардан бири уй-жой масаласида менга мурожаат этиб қолди. — дейди депутатнинг ўзи.— Дарҳол унинг уй шароити билан танишдим. Ҳақиқатан ҳам 14 кишилик катта оила тор ҳовлига тиқилиб қолган экан. Аҳволни район ижроия комитетига етказдим. Хуллас, Ғаниевлар оиласига навбатдан ташқари уй бериладиган бўлди.

Биз депутатнинг дастури билан ҳам яқиндан танишдик. Ундан транспортчиларнинг иқтисодий рағбатлантириш усулларини жорий этиш, ёшлар учун уй-жой комплексларини яратиш, замонавий лойиҳалар асосида шахсий уйлар қуриш учун аҳолига томорқа-ер ажратиб бериш, депо территориясида озиқ-овқат магазинини очиш каби бир қатор муҳим масалалар ўрин олган.

— Бундан ташқари ён дафтарчамга сайловчилар томонидан берилган қатор таклиф ва истаклар ҳам қайд этилганки, уларнинг бир қисми бажарилди, бир туркуми эса ниҳоясига етиш арафасида турибди, — дейди бизга депутат.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ.**

## ЧЕВАРЛИККА ҲАВАС

КИРОВ районидаги 70-мактаб ўқувчилари турли касбларга ихлос қўймоқдалар. Қиз болалар иштиёқ билан чеварликни ўрганмоқдалар. Чеварликка мослаштирилган алоҳида хонада тикув машиналари ўрнатилган.

Моҳир чеварлардан Раъно Аҳмаджонова, Сония Шокировалар ёшларга чеварлик сирларини қунт билан ўргатмоқдалар.

Бир неча йилдирки, қизлар Тошкентдаги Охунбоев номли бош кийимлар фабрикаси билан ҳамкорликда иш олиб боришади.

Чевар ўқувчи-қизлардан Дилобар Иноғомова, Дилдора Эргашева, Дурдона Шукурова, Мунира Солиҳова, Зиёда Маҳмудова қабилар тикаётган бош кийимлар доимо аъло сифат билан қабул қилинмоқда. Бу қизлар тикиш-бичиш ишларини пухта ўзлаштириб олишган.

**С. СУЛТОНОВ.**

## Хориждан хабарлар

⊙ ТЕҲРОН. Эрон ҳукумати мамлакатнинг зилзиладан энг кўп азият чеккан шимоли ғарбий районлари аҳолисига ёрдам бериш учун икки миллиард риал ажратди. Бу маблағ асосан қурилиш материаллари сотиб олиш ва кенг миқёсли тиклаш ишларини бошлаш учун сарфланади. ИРНА агентлигининг хабар қилишича, фақат Ғлён ва Зенжон вилоятларининг ўзида ярим миллиондан кўпроқ одам бошпанасиз қолган.

Совет—Эрон чегарасидан эрон халқига ёрдам юки ортилган яна иккита карвон ўтди. Бу карвон озиқ-овқат, чодирлар, кийим-кечак ва бошқа энг зарур моллар ортилган қарийб 40 та юк машинасидан иборат.

Эронга бошқа мамлакатлардан, шу жумладан Буюк Британия, ГФР, Покистон ва Малайзиядан ёрдам келиши давом этмоқда. ИРНА агентлигининг хабар қилишича яқин кунларда Женева ва Венада азият чеккан районларда яшовчи эронлик болалар чизган расмларнинг хайрия кўргазма-савдоси очилади. Бу тадбирлардан тушган барча пул Эрон банкларига ўтказилади.

* * *

Эрон билан Ироқ ташқи ишлар министрларининг Женевада БМТ Бош котиби кузатуви остида ўтган учрашуви ўз характерига кўра аввалги учрашувлардан анча фарқ қилди. Ироқ ҳам, Эрон ҳам тадбиркорлик кўрсатдилар, деб таъкидлади ИРНА агентлигида Эрон ислом жумҳурияти ташқи ишлар министри А. А. Вилоятий Женевадан ватанига қайтиб келганида.

Министр хавфсизлик кенгашининг 598-қарори доирасида белгилаб қўйилган икки мамлакат ўртасида мустаҳкам ва кенг қамровли тинчлик ўрнатишдан бошқа йўл йўқлигини таъкидлади. Унинг сўзларига қараганда, томонлар қарор БМТ Бош котибининг бевосита кузатуви остида тўла бажарилиши лозимлиги хусусида якдил фикрга келдилар.

⊙ ҚОҲИРА. Миср билан Ливия Нил водийсидаги энг ўткир муаммолардан бири — унинг аҳолиси ҳаддан зиёд кўплиги муаммосини ҳал этишда ҳамкорлик қилиш тўғрисида шартлашиб олди. Ливиянинг қишлоқ хўжалиги учун ўзлаштирилган ва уйлар қурилган катта майдонлари Миср фуқаролари ихтиёрига бутунлай берилади.

Миср араб жумҳурияти бош министрининг ўринбосари, қишлоқ хўжалиги ва ерларни ўзлаштириш министри Юсуф Вали «Ал-Аҳром» газетасининг мухбирига шу ҳақда сўзлаб, Миср—Ливия ҳамкорлигини кенгайтириш юзасидан қабул қилинган режаларга биноан икки мамлакат ўртасида янги автомобиль йўллари ҳам қурилади, деди. Бу йўлларнинг бири Асвондан Ливиянинг Куфра воҳаларигача, иккинчиси эса Мисрнинг Сива ҳамда Файом воҳаларидан катта қум саҳросидаги Жағбуб шаҳригача боради.

Ливия ахборот воситалари фақат Куфранинг ўзида мисрлик деярли бир миллион киши жойлашиши мумкин, деб хабар беради. Аҳолиси ҳар тўққиз ойда миллион кишиси кўпайиб бораётган Миср учун бу катта бўлмасада, ҳар қалай ёрдам. Чунки асосий қисмини чўлу биёбонлар эгаллаган Нил бўйидаги мамлакат аҳолиси унинг территориясининг атиги 6 фоизида яшашга мажбур бўляпти.

⊙ ТУНИС. Фаластин Озодлик ташкилоти ижроия комитетининг раиси Я. Арафатнинг маслаҳатчиси Бассам Абу Шариф бу ерда баёнот билан чиқиб, халқаро ҳамжамиятнинг эътиборини Исроил ҳукуматининг яҳудий муҳожирларига нисбатан тузаётган режаларига жалб этди. У И. Шамир ҳукуматининг уй-жой қурилиши министри А. Шаронга мамлакатга келаётган муҳожирлар учун уйлар қуриш программасини амалга оширишда фавқулодда ваколатлар бериш тўғрисидаги қарорини Женева шартномасини қўпол равишда бузиш, деб атади. Б. Абу Шариф А. Шарон муҳожирларни Иордан дарёсининг Ғарбий соҳили ва Ғазо секторида бунёд этилаётган қишлоқларга жойлаштиришни режалаштираётганлигини таъкидлаб, вазият ана шу халқаро ҳуқуқий ҳужжатни имзолаган барча давлатларнинг дарҳол аралашувини талаб қилмоқда, деди. Бу мақсадларни амалга ошириш учун босқинчи маъмурларга фаластинликларга тегишли бинолар ва уйларни мусодара қилиш тўғрисида кўрсатма берилган, деб уқтирди ФОТ ижроия комитети раисининг маслаҳатчиси.

Б. Абу Шариф фаластин халқи Исроилнинг босиб олинган ерларни ўзлаштириш сиёсатига қарши халқаро ҳамжамиятнинг битим ва шартномаларига риоя этиш доирасида курашни қатъият билан давом эттираверишини тасдиқлади.

(ТАСС).

Қиш тайёргарликни ёқтиради

# НОМУҲИМ ИШНИНГ ЎЗИ ЙЎҚ

**⊙ Ҳозир чилла, шаҳар хизмат бўлимлари эса кузги-қишки мавсумга тайёргарликни қизғин юбордилар.**

**Зудлик билан амалий чоралар кўриш мақсадида ва барча ишларни мувофиқлаштириш учун Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети қошида шаҳар штаби тузилди. У ҳар ҳафтада йиғилиш ўтказиб боради.**

**Штабнинг навбатдаги мажлисини Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Шоабдураҳимов олиб борди. Унда Собир Раҳимов райони ва халқ таълими Бош бошқармаси объектларини қишга тайёрлаш қандай бораётганлиги тўғрисидаги ахборот тингланди.**

С. РАҲИМОВ районида мавзелар ичида 4,68 километр иссиқлик тармоқлари ётқизилди. Қозонхоналарнинг берадиган иссиқлигини ҳисобга олиш пунктлари нормал ишлаши учун тайёргарлик олиб борилянти, катта иссиқлик тармоқлари таъмирланаяпти ва қайта созланмоқда. Водопровод ва канализация системаларининг кузги-қишки мавсумда нормал ишлашини таъминлаш бўйича белгиланган тадбирлар бажарилмоқда.

С. Раҳимов районида ўтган қиш якунлари шуни кўрсатган эдики, турар жойларни иссиқлик билан таъминлашда нохуш ҳоллар ҳам рўй берган эди.

Бугунги кунда белгиланган тадбирларни бажаришда ҳам ортда қолишга йўл қўйилмоқда. Масалан, ўтган олти ой ичида 156 та уйда иссиқлик тармоқлари системасини таъмирлаш мўлжалланган бўлса-да, бор-йўғи 71 та уйда бу иш адо этилди, холос. Иссиқлик қисмлари эса мўлжалланганидан 107 та кам таъмирланди. 66 та уйнинг томини таъмирлаш белгиланган бўлсада фақат 32 та уйда бу иш амалга оширилди. Иссиқлик системасини ювиб-тозалаш ўта суст олиб борилянти.

Қишга тайёргарлик қандай бораётганлиги текширилганда шу нарса маълум бўлдики, 289 та уйдан 93 тасида ертўлалар сувга тўла эканлиги аниқланди. Бу сувларни ҳеч нарса билан чиқариб бўлмасди: негаки 14 та сувни чиқариб ташлаш механизмидан бор-йўғи 4 тасигина ишга яроқли эди, холос.

Район Совети ижроия комитетида ҳар ойда икки марта қурилиш объектларини қишга тайёрлаш, иссиқлик тармоқларини ётқизиш қандай бораётганлиги, хусусий уй эгаларини қаттиқ ёнилғи ва қурилиш материаллари билан таъминлашнинг бориши тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилмоқда. 5 ой ичида Гуручариқ, Бобур, Мустаҳкам маҳаллаларида 850 та уй газлаштирилди.

Шу нарса ташвиш туғдиряптики, ўрта, махсус ўқув юртлари, ҳунар-техника билим юртлари, саноат корхоналари ва маданият объектларида белгиланган тадбирлар қандай бажарилаётганлиги район Совети ижроия комитети эътиборидан мутлақо четда қолиб келган. Савдо, маиший хизмат кўрсатиш объектларида ҳам камчиликлар кўп. Масалан, 8/1 озиқ-овқат магазини, 22-сабзавот магазини, 11-аптека, 269-болалар боғчасининг санитария аҳволи ёмон. Яшил ниҳоллар, уйларнинг ташқи қиёфаси катта эътибор беришни талаб этади.

Халқ таълими системасида қишга тайёргарлик қандай бораяпти? Бу масала ҳам шаҳар штабининг мажлисида муҳокама қилинди.

162 та муассасани тўла капитал ремонт қилиш учун 9500 минг сўм ажратилди. 7 та болалар боғчасида, 2 та мактабдан ташқари муассасаларда, 3 та ҳунар-техника билим юртида ишлар ниҳоясига етказилди. «Ташремстрой» трести ва бошқа пудратчи ташкилотлар яна 124 та мактаб, болалар боғчалари, ҳунар-техника билим юртларида ремонт ишларини олиб боришяпти. Ўтган давр мобайнида 5027,8 минг сўм ўзлаштирилди.

Янги ўқув йилига тайёргарлик ишларини олиб боришда оталиқ корхоналар ва ташкилотлари сезиларли ёрдам беришяпти. «Орзу», Ўзбекистон ССР моддий-техника таъминоти давлат комитети, «Ташинжстрой», «Комфорт», 243-граждан авиацияси, 1-автотранспорт корхонаси, «Промстройматериали» трестининг ёғочсозлик комбинати шулар жумласиндандир. «Тошкент» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси 36-мактабда болалар майдончаси қуриб бераяпти. «Миконд» заводи эса 233-мактабга 30 минг сўм ажратди. Ирригация бўйича давлат махсус конструкторлик бюроси 11-мактабни ремонт қилиб берди. Район Советлари ижроия комитетлари ҳам бу ишдан четда қолишмаяпти. Улар томонидан ажратилган маблағлар Киров районидаги 47-мактабни қаттиқ ёнилғидан газ билан иситишга ўтказиш, 30, 38, 281-болалар боғчаларини эса марказий канализация тармоғига улаш ва бошқа тадбирларни бажаришга ёрдам берди.

Халқ таълими Бош бошқармаси бўйича ижтимоий-маиший шароитларни яхшилашга ва капитал ремонт ишларига бу йил 12 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади. Бу эса ўтган йилгига нисбатан бир неча миллион сўм кўпдир.

Шу билан бирга штаб аъзолари шуни таъкидлашдики, халқ таълими объектларини совуқ кунларга тайёрлаш борасида худди ўтган йилда бўлгани каби ҳал этилмаган масалалар мавжуддир. Масалан, Чилонзор районида материаллар етишмаяпти. Оталиқ ташкилотлар эса ёрдамга шошилишмаяпти. 7 та болалар боғчасида ишитиш системаси капитал ремонт қилиниши керак бўлса-да, пудратчилар йўқ.

Ҳамза районидаги 206, 198, 231, 252, 215, 282-мактаблар, 457, 425, 470, 108-болалар боғчаларининг ходимлари, ўқитувчи ҳамда ўқувчилари барча ишларни ўз кучлари билан қилишга мажбур бўлмоқдалар. 2-ёғочни қайта ишлаш комбинати, алоқа ихтисослашган ремонт-қурилиш бошқармаси, ёғ-мой комбинати, «Узпромвентиляция» трестининг ишлаб чиқариш-техника комплектлаш бошқармаси сингари бақувват оталиқ ташкилотлари ҳам бу ишда иштирок этмаётирлар.

Штаб мажлисида шаҳар хўжалигини қишки мавсумга тайёрлаш ишларини жадаллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилди, бу муаммоларни ҳал этишга даҳлдор бўлган барча раҳбарларга аниқ топшириқлар берилди.

**Қадрли ҳамшаҳарлар!**

⊙ Шаҳарда 1990—91 йилларнинг кузги-қишки даврида ишлашга тайёргарлик қизғин боряпти. Белгиланган барча тадбирларни бажариш мобайнида туғилган масалаларни зудлик билан ҳал этиш мақсадида шаҳар штаби тузилди. Унинг йиғилишлари ҳар ҳафтада ўтказилади.

Агар сизда шаҳар хўжалигини қишга тайёрлашга тааллуқли саволлар, таклиф ва мулоҳазалар туғилса, уларни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига — Пролетар кўчаси, 6-уй манзилгоҳига ёзма равишда юборишингизни сўраймиз.

## Ҳарбий хизмат муддати қисқарадими?

ГФР мудофаа вазири Герхард Штольнбергнинг якшанба куни маълум қилишига қараганда, мамлакатда ҳарбий хизмат муддати шу йилнинг биринчи октябридан аввалги ўн беш ойдан ўн икки ойга қисқариши керак эди. Мазкур тадбир бундесвер сонини ўттиз беш минг кишига қисқартириш имконини берарди. Ҳозир бундесвернинг сони 495 минг кишини ташкил этади.

Штольнберг немисларнинг бирлашиши натижасида истиқболда армиянинг сонини тўрт юз минг нафар солдатгача қисқартирилишини ёқлаб бир неча марта фикр билдирган эди. Шу билан бир вақтда у шахсий составнинг сонини кескин қисқартириб бўлмайди, чунки оддий қурол-яроғларни қисқартириш ҳақида ҳали шартнома тузилган эмас, деб огоҳлантиради.



⊙ ДАСТГОҲЛАР ИЗМИДА. «Иргидромаш» заводининг илғор ишчиси А. Арканников. А. Раҳимбоев сурати.

«Тошкент оқшоми»га жавоб берадилар

# «ҲАЁТ ЗИЙНАТИ»

**Ана шу сарлавҳа остида «Оқшом»га хатлар рукуни остида «Тошкент оқшоми» рўзномасининг шу йил 26 апрель сонида босилиб чиққан мақолада Юнусобод бозорида жойлашган 135-нон дўконини кенгайтириш ёки бошқа жойга кўчириш масаласи тилга олинган эди.**

**Бу таклиф ўринлими ёки йўқлигини аниқлаш ва амалий чора кўриш халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг савдо Бош бошқармасига юборилган хатда баён этилган эди. Бош бошқарма бошлиғи вазифасини бажарувчи С. Х. Имомов имзоси билан олинган жавоб хатида жумладан шундай дейилади:**

— «Ҳаёт зийнати» мақоласида кўтарилган масала тўғри. Ҳақиқатан ҳам «Ташхлебторг»нинг 135-магазинида шароит ноқулай бўлиб қолган, унинг мавжуд майдони (25 квадрат метр) бу ерда ранг-баранг нон-булка маҳсулотлари сотиш имконини бермайди.

«Ташхлебторг» раҳбарлари Юнусобод даҳасида истиқомат қилаётган аҳоли талабини тўлароқ қондириш мақсадида халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитети олдига бу масалани бир эмас, бир неча бор қўйган эди. Негаки бу магазин бозорда жойлашгани учун ҳам аҳолининг кўпчилик қисми шу ерга ташриф буюради. Бироқ бу илтимосга ҳанузгача лом-мим дейилгани йўқ.

Бу масала шу йил 30 май куни №540-хат билан яна халқ депутатлари Киров район Совети ижроия комитети олдига қўйилди».

⊙ ВАҚТ ВА ЖУҒРОФИЯ курраи заминимизнинг кичрайтирилган шакли ўз-ўзидан жуда қизиқарлидир. Аммо сиз ушбу суратда кўриб турган буюмни ғоят даражада ноёб деб атаса ҳам бўлади. Чунки у мамлакатлар ва қитъалар билан таништирибгина қолмай соат вазифасини ҳам ўтайди. Ушбу глобус-соатни XIX асрда яшаган уста ясаган. Ҳозир у Варшавадаги фан ва техника музейида сақланмоқда.

ЦАФ — ТАСС сурати.

Келажагимиз—мактабда

# УЛУҒБЕК ЖАМҒАРМАСИ: ДАСТЛАБКИ ҚАДАМЛАР

**⊙Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси бошқарувининг ташаббуси билан жумҳурият Вазирлар Кенгаши биносининг кичик залида кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш, фанимиз келажаги йўлида истеъдодли ёшларни тайёрлаш масалалари бўйича матбуот конференцияси ўтказилди. Унда Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгашининг илмий, муҳандис ва бошқарув кадрлари тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссияси аъзолари ва Улуғбек номидаги истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳайрия жамғармаси ташкилий комитетининг вакиллари қатнашдилар. Улар орасида Улуғбек жамғармасининг директори, техника фанлари номзоди З. Исломов, жумҳурият Вазирлар Кенгаши илмий-техникавий тараққиёт бўлимининг бошлиғи А. Нажмиддинов ва Вазирлар кенгаши котибиятининг бош мутахассиси, физика-математика фанлари номзоди З. Исроилов ва бошқалар иштирок этишди.**

АВВАЛО жумҳурият Вазирлар Кенгашининг комиссияси ва Улуғбек жамғармаси ҳақида қисқача маълумот. Уларнинг иккаласи ҳам деярли бир вақтда — шу йилнинг март ойида тузилди. Вазирлар Кенгашининг илмий, муҳандис ва бошқарув кадрлари тайёрлашни мувофиқлаштириш комиссияси 38 кишидан иборат бўлиб, у йирик олим ва мутахассислар, илмий муассасалар ва саноат корхоналарининг раҳбарлари, жумҳурият ва СССР халқ депутатларини ўз ичига олади. Унинг бош вазифаси кадрлар тайёрлаш Миллий дастурини тузиш ва уни амалга оширишдир. Улуғбек номидаги хайрия жамғармаси эса жумҳуриятимиз олимлари, адабиёт ва санъат арбоблари ташаббуси билан ташкил этилган бўлиб, уни таъсис этувчилар сафида диний бошқарма ва илмий муассасалар каби 45 ташкилот бор. Ушбу жамғарманинг мақсади лаёқатли ёшларнинг билим олишларига кўмаклашиш ва оталиқ ёрдами кўрсатишдир. Ҳозиргача баъзи бир ишлар амалга оширилди. Чунончи, ёш истеъдодлар ҳақида маълумотлар рўйхати тузилди ва 1 мингга яқин ўқувчи эътиборга олиб қўйилди. Уларни танлаш мактаб олимпиадалари ва турли кўрик-танловларда кўрсатилган натижаларга қараб олиб борилмоқда. Албатта, кейинроқ улар яна суҳбат ва турли топшириқлар синовидан ўтказилади. Бу болаларнинг истеъдод қирралари Ўзбекистоннинг барча вилоятларида вужудга келадиган иқтидорли ёшлар мактабларида ривожлантириладн. Жумладан, Тошкентда ёш физиклар мактаб-интернатини жамғарма ўз оталиғига олди. Илгари Ўзбекистон ССР Вазирлар Кенгаши ихтиёрида бўлган дала-ҳовли қобилиятли болалар мактаб-интернатига айлантирилмоқда. Шунингдек, ҳайрия жамғармаси мамлакатимиздаги ва хориждаги шу каби ташкилотлар билан алоқа ўрнатади, ёшларни чет элларга ўқишга юбориш ишларига бош-қош бўлади. Қобилиятли талаба ва ўқувчилар учун Улуғбек стипендиясини ташкил этиш режалаштирилмоқда. Саудия Арабистони, Қувайт, ГФР ва АҚШ давлатлари билан халқаро алоқалар ўрнатилмоқда.

Ҳа, шу вақтгача биз фақат Давлат дастурларини қабул қилишга ўрганиб қолган эдик. Аслида эса дунё тажрибасига суяниб, миллий дастурни амалга ошириш ҳар томонлама афзалроқдир. Гарвард дорилфунунининг профессори Василий Леонтьев бизга ёрдам беришга розн бўлди. Ўн нафар ёш олимимиз Англия, Бельгия, ГФР каби давлатларнинг етакчи илмий муассасаларига жўнатилади. Асосий мақсад — мактаб ўқувчилари, олийгоҳларнинг талабалари ва ёш мутахассисларга замон талаблари асосида таълим беришдир. Ҳозир бизда ўрта мактаблардаги таълим даражасининг пастлиги ҳеч кимга сир эмас. Улуғбек жамғармасининг мақсади ҳам маълум бир соҳага йўналтирилган махсус мактаб ва мактаб-интернатлар очиб, унга лаёқатли ўқувчиларни қабул қилиб келажагимиз учун илм-фан машъалларини етиштиришдир.

Тўғри, авваллари ҳам бизда махсус мактаблар бор эди, бироқ, моддий-таъминот базасининг ночорлиги туфайли у ўз олдига қўйилган вазифани уддалай олмаётганди. Ҳозир жумҳуриятимизда 1132 авария ҳолатидаги мактаб бор, уларни тўла таъмирдан чиқариб, янгиларини қуриб, ҳаммасини бир сменага ўтказиш учун 20 йил вақт керак бўлади. Бироқ шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, мактабларни компьютер билан таъминлашда Иттифоқда биринчи ўриндамиз. Ҳозир жумҳуриятдаги 1500 мактабда ЭҲМ синфлари мавжуд. Бунда совет-болгар қўшма корхонасининг ҳам ҳиссаси катта бўляпти. Кейинги 1,5—2 йил ичида барча мактабларни компьютер билан таъминлаш имконияти бор.

Болаларни махсус мактаб-интернатларга танлашга ҳам ижодий ёндошмоқ зарур. Яъни, уларнинг билим доирасига қараб эмас, балки ижодий қобилиятини юқорилигини ҳисобга олиб танловдан ўтказишимиз лозим. АҚШ, Ғарбий Европа ва Японияда ўтказилган тажрибалар шундай усулнинг афзаллигини кўрсатмоқда. Болалар ижодий қобилиятини аниқлайдиган мутахассислар Иттифоқимиз бўйича бир нечтагина холос. Жумҳуриятимизда бу соҳанинг ягона мутахассиси психология фанлари доктори Ботир Раҳмонқулов ҳам яқинда ёш иқтидорларни аниқлаш ишини бошлаб юборади. Ҳозирчалик ҳар бир вилоятда биттадан махсус мактаб-интернатни очиш мўлжалланмоқда. Унинг қайси соҳага ихтисослашувини эса жойларда ўзлари ҳал қилишади. Кейинчалик моддий базанинг кенгайиши билан бундай мактабларни кўпайтириш кўзда тутилмоқда. Ушбу мактаб-интернатларининг ўқитувчилари ҳам махсус танловдан ўтказилади.

Шу жумладан Тошкент Давлат чет тиллар педагогика олийгоҳи қошида чет тилларни ўрганиш марказини ва Тошкент Давлат дорилфунуни таркибида Шарқ халқлари олийгоҳини очиш мўлжалланмоқда. Чет тилларни ўрганиш марказини тамомлаган мутахассислар хорижий давлатларга малака оширишга юборилади.

**Д. ИСРОИЛОВ.**

**⊙ ЛЕНИНГРАД. «Оптик тушлар» — СССР халқлари этнографияси музейининг мармар залида очилган кўргазма ана шундай номланади. Шу ерда тўпланган гул ва ўсимликларнинг катталаштирилган рангли суратлари муаллифи — Нева соҳилидаги шаҳарнинг меҳмони граф Леннарт Бернадотдир. Тарихий буюмлар — рус подшоларига қарашли идишлар ва кийим-кечаклар ҳам шу экспозициядан ўрин олган. Уларнинг ҳаммаси графга аслзодалардан мерос қолган.**

**СУРАТЛАРДА: граф Леннарт Бернадот СССР халқлари этнографияси музейи биноси олдида; кўргазмада намойиш этилаётган рангли катталаштирилган гул сурати.**

С. Смольский (ТАСС) суратлари.



Ҳарбий қисмлар ҳаётидан

# ХОТИРЖАМ БЎЛИНГ, ОНАЛАР!

Армиянинг ҳарбий қисм ва бўлинмаларида ошкоралик ва демократия шабадаси эсиб турибди. Шундай бўлса-да, ўз фарзандини Армия сафига кузатган онанинг ҳали ҳам на кўнгли тинч, на ўзи. Она — она-да. Унинг кўнгли болада. Ўғлим ҳарбий хизматни яхши ўтаётганмикан, тинчмикан, уйга соғ-саломат, омон-эсон қайтиб келармикан, деган ўйлар кўпинча уни ташвишлантиради. Дарҳақиқат, ёшлар Армияда ўз йигитлик бурчини қандай ўтаётганлиги, уларнинг яшаш шароитлари, кайфиятлари, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ҳаммамизни ўйлантирмоқда. Шу сабабли бир қаламкаш сифатида менда жумҳуриятдан борган йигитлар хизмат қилаётган Қизил Байроқ орденли Туркистон ҳарбий округининг қисм ва бўлинмаларида бўлиб, ўзбек жангчиларининг ҳаёти, меҳнати, ўқиши, ҳарбий тайёргарлиги, орзу-умиди ва интилишлари билан яқиндан танишиш истаги туғилди.

Яқинда қурилиш қисмида бўлдим. Бу ерда диёримизнинг кўплаб ёшлари она-Ватан олдидаги ўз йигитлик бурчини сидқидилдан адо этмоқдалар. Улар ҳарбий қисмларда жангчи — бинокор сифатида хизмат қилишаётир. Бу хизмат алоҳида маънога эга. Чунки йигитлар ҳам аскар, ҳам бунёдкордир. Ҳарбий тайёргарликни ҳам пухта ўзлаштириб бормоқдалар.

Улкан қурилиш майдони... Қуёш тикка кўтарилган. Ҳарорат эса 40 даражадан ошган. Жазирама ёз иссиғидан одамнинг нафаси қайтади. Жон сақлаш учун бирон соя-салқин ер ҳам кўринмайди. Вақти-вақти билан кучли шамол бўлиб, чанг-тўзонни осмонга кўтариб ташламоқда. Ана шундай мураккаб, қийин шароитларга қарамай жангчи-бунёдкорлар қурилишни жадал олиб боришяпти.

Биз ишни бироз кузатгач, уларга яқинлашдик.

— Жазирамада ишлаш оғир эмасми?

— Йўғ-э. Одамни унақа уялтирманг, — деди бир йигит терлаб кетган юзини рўмолчаси билан артаркан.—Кўникиб қолганмиз бу чўл иссиғига.

Бошқа бир йигит биз томонга астасекинлик билан юриб келди-да, салом бериб, илиқ кўришди. Кейин ўзини таништирди.

— Оддий аскар Нақадамов. Исмим Ёрали. Ҳарбий қисмнинг биринчи ротасиданман. Ўзингиз кўриб турибсиз. Қурилишда ишлаяпман. Ишлар ёмон эмас. Сиз Тошкентдан бўлсангиз керак-а.

— Ҳа, — деб жавоб қайтардим унга.

— Ўзбекистонлик йигитларга раҳмат, — дейди капитан Владимир Викторович Уваров, — ажойиб йигитлар экан. Қўллари гул, меҳнаткаш, камтарин, ширинсўз, энг муҳими, тарбия кўришган. Шундай фарзанд ўстирган ота-оналарига мингдан-минг раҳмат.

Бу жангчилар бир қатор ишлаб чиқариш, уй-жой, маданий-маиший иншоотларни қўлдан чиқардилар. Ҳозир эса цемент заводининг учинчи навбатини қурмоқдалар.

Бу иншоотда турли миллат вакилларидан ташкил топган кўплаб бригадалар бор.

1-қурилиш-монтаж бошқармасининг Самандар Маҳмудов бошлиқ гишт теручилари, 87-қурилиш-монтаж бошқармасининг Тимофей Гушин раҳбарлигидаги монтажчилар ва 10-қурилиш-монтаж бошқармасига қарашли Жанат Карибоев бошчилигидаги бетончи-дурадгорлар бригадалари ўзаро мусобақада олдинда бориб, яхши натижаларга эришмоқдалар. Бу жамоалар кунлик топшириқларини 130 фоиз бажариб, бошқаларга ибрат бўлишяпти.

Мусобақа шартлари ҳар ҳафта ва ҳар ойда якунланиб, пешқадамлар моддий ва маънавий рағбатлантирилмоқда.

— Мен Андижон вилоятининг Хўжаобод райониданман, — дейди Ортиқбой Назаров,—бинокорлик касбини шу ерда ўргандим. Ҳар биримиз икки-уч ҳунар эгасимиз. Бу жуда қўл келяпти.

— Армия ҳам худди ўз уйингдек, ота-онангдек экан,—деб суҳбатга қўшилди Бухоро вилоятининг Ғиждувон районидан келган Воҳиджон Ҳакимов. — У ҳам ота-онага ўхшаб тарбияларкан, тўғри йўлни кўрсатар экан. Мен шулар ҳақида уйимдагиларимга ёзиб юбордим.

Оддий аскар Баҳодир Акбаров ўз қалб сўзларини мана бундай изҳор қилди:

— Мен олдиндан Армия нималигини билмас эдим. Бу ерга келиб, унинг қанақалигини тушундим. Армия ҳаёт, чиниқиш мактаби экан. Мен ҳарбий хизматда анча дўстлар орттирдим. Улар турли миллатга мансуб йигитлар. Баъзан газеталардан Армиямиз ҳақида ноҳуш хабарларни ўқиб қоласан киши. Таққирлаш, «оқсоқолчилик» деган сўзлар ҳам бўляпти. Лекин бизлар таққирлаш, «оқсоқолчилик» нималигини билмаймиз. Бундай иллатлар бизнинг қисмда учрамайди.

Қурилишда ҳозирча бўёқчилик қиляпман. Мен ҳам ўз тенгқурларим сингари икки-уч касбнинг эгаси бўлмоқчиман. Ахир «Бир йигитга қирқ ҳунар оз» деган мақол борку.

Шароит ҳақида гапирадиган бўлсак, шароитимиз яхши. Биз, аскарлар яшайдиган жой тоза, сариштa, тинч, овқатлари анча мазали, лекин гоҳи-гоҳида уйдаги қўлбола палов, шўрвани соғинаман.

Ҳа, йигитлар ҳақ гапни айтдилар. Лекин суҳбат чоғида айрим ёшларнинг Армия хизматидан, айниқса қурилишдаги ишларнинг оғирлигидан нолиганликларини ҳам эшитишга тўғри келди. Тўғри, Армияда хизмат қилиш осон эмас. Армия Армия-да. Унга кўникиш керак. Армияда ҳар қандай мураккаб шароитда ҳам ўзини йўқотмаслик лозим. Энг асосийси, ҳарбий бурчни виждонан бажариш, дўстларга таяниб, ҳар қандай қийинчиликни мардонавор енгиб, илдам бориш зарур.

Яна қурилишга қайтамиз. Шуни алоҳида айтиб ўтишни истардикки, хўжалик ҳисобида ишлаётган илғор жангчи — бинокорлар ойига ўртача 120—180 сўмдан маош олмоқдалар. Қурувчи ишлаб топган пул унинг номига очилган ҳисобга ўтказилади.

— Йигитлар хизматни тугатиб, ўз уйларига қайтаётганларида, — деди капитан Александр Анатольевич Згоник, — уларнинг қўлига ҳисобдаги маошлари берилади. Шундай қилиб, ҳар бир жангчи-бинокор ўз уйига камида бир ярим — икки минг сўм пул билан қайтади. Бу ёмонми, албатта яхши-да.

Шу ерда яқинда «Правда» газетаси редакциясида «Армия ва қайта қуриш» мавзуига бағишланиб ўтказилган учрашувда СССР Қуролли Кучлари Бош штаби бошқармасининг бошлиғи, генерал-лейтенант И. Матвеевнинг айтган қуйидаги сўзларини келтиришни лозим топдик. «...Шундай отрядлар борки, улар ҳозирги кунда хўжалик ҳисобида иш юритмоқдалар. Аммо ҳарбий-қурилиш отрядларидаги баъзи аскарлар улар хизматдан бўшатилаётганда қарзларини тўлаб кетиш учун уйларига пул сўраб хат ёзишга мажбур бўлмоқдалар. Мана сизга меҳнат унумдорлиги...».

Ўзбекистонлик жангчиларнинг Армиядаги ҳаёти, уларнинг турмуш шароитлари тўғрисида иккинчи мақоламизда ҳикоя қиламиз.

**Т. БОТИРБЕКОВ,**
**ЎзТАГ** мухбири.

Маданият ва қайта қуриш

# ОЛИЙГОҲ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?

Тошкент Давлат маданият институтининг талабалари Фарғона водийси, Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари бўйлаб сафар дан қайтиб келишди. Улар сафар чоғида халқимизнинг жуда бой халқ оғзаки ижодини ўрганишга ҳаракат қилишди. Талабалар дарсликларда ўқиган, ўқитувчиларининг маърузаларидан билиб олган кўп нарсаларни — қадимий урф-одатлар ва маросимларни ўз кўзлари билан кўришга, ушбу ўлкаларда яшаётган кишиларнинг турмуш тарзи, анъаналари билан танишишга муваффақ бўлдилар.

Бундай сафарлар институт муаллимлари ишлаб чиққан янги ўқув программасининг бир қисмига айланди. Ушбу дастур олий ўқув юрти иш усуллари ва шаклларини анча ўзгартириб юборди. Масалан, халқ мусиқаси кафедрасида анъанавий мусиқа маданияти бўлими очилди. Бўлимда талабалар Шарқ мусиқаси тарихи ва назариясини чуқур ўрганадилар. Институт кино ва видео тарғибот соҳасида ҳам мутахассислар тайёрлай бошлади. Бу ерда давлат тили тўғрисида Қонун қабул қилинишига қадар талабаларга тил ўргатишни янада яхшилаш ва унинг кўламини кенгайтириш режалари ишлаб чиқилганди.

Янги дастўрда бутун ўқув жараёни ва илмий ишлари қайта қуриш, янги бўлимлар очиш, эски бўлимларни қайта йўналтириш назарда тутилади.

— Институтимиз ҳамма вақт қандайдир иккинчи даражали ўқув муассасаси деб ҳисоблаб келинди, — дейди маданий-маърифий ишлар факультетининг декани Д. Расултоев. — Тан олиш керакки, бу фикр кўп жиҳатдан адолатлидир. Ҳақиқатан ҳам олий ўқув юртимизни тугатаётган ёшларнинг тайёргарлик даражаси баъзан кўнгилдагидек эмас, у янада яхшироқ бўлиши зарур. Лекин бунинг ғоят жиддий сабаблари ҳам бор. Ҳозир мавжуд бўлган маданий-маърифий ишлар системасининг ўзи ёшини яшаб бўлди.

Институтда халқ ижодиётини ўрганиш устун йўналиш сифатида танлаб олинди. Илмий-методик лаборатория таълим беришнинг янги усулларини ишлаб чиқиш юзасидан иш олиб бормоқда.

— Маданий-маърифий муассасалар фаолиятида ҳалигача кечалар, митинглар, рапорт бериш кечалари, ишлаб чиқариш илғорларини шарафлаш сингари «тадбирлар» амал қилиб келмоқда, — дейди лаборатория раҳбари В. Мосина. — Яъни клуб ишлари ишлаб чиқариш фаолиятининг қандайдир бир давомига айланиб қолган. Одамга эса оддий дам олиш, ҳордиқ чиқариш кераклигини унутиб юбордилар. Агар ишни илмий ташкил этиш тушунчаси бўлса, унда дам олишни илмий ташкил этиш тушунчаси ҳам бўлиши керак.

Ҳозир, ҳақиқатан ҳам, институтдаги мавжуд шароитда ишларни тубдан ўзгартириш мумкинлигини тасаввур қилиш қийин. Беш мингдан ортиқ талаба ўқийдиган олий ўқув юртида ўзининг ўқув театри йўқ, кутубхона кичик бир бинода тиқилинч ишламоқда, ётоқхонага муҳтож талабаларнинг учдан бир қисмигина жой олиши мумкин. Бу кутубхона ишлари мутахассисларини, халқ театрлари режиссёрлари ҳамда балетмейстерларини тайёрлайдиган Ўрта Осиёдаги ягона институтда рўй бермоқда.

Тўкилай-тўкилай деб турган деворлар, синган-йиртиқ мебель, файзсиз мунғайган хоналар ва йўқчилик талабаларга жуда таъсир қилмоқда. Бундай шароитда ўқиш кўпинча азобга айланади, ўзингни ҳеч кимга керак бўлмаган дарсларда ўтиргандек ҳис қиласан. Институт биносининг ўзи казармани эслатадиган типовой мактаб бўлиб, бундай бинолар Тошкентда кўплаб қурилган. Бас, шундай экан, жиддий машғулотлар ўтказиш мумкинми? Институт «муваққат» бинода иш бошлаганидан бери орадан ўн олти йил ўтди, лекин кўп нарса ўзгармади. Тўғри, қандайдир ишлар қилинди — маданий-маърифий ишлар факультетининг биноси, янги ошхона қурилди. Бироқ мусиқачиларнинг машғулотлари талабалар ётоқхонаси жойлашган бинода, режиссёр бўлимининг машғулотлари эса зах ертўлада ўтказилмоқда. Ўқитиш ишларини сифат жиҳатдан ўзгартириш хусусида жиддий гапириш учун, янги, олий ўқув юртининг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган бино керак.

Маданият институти истиқболда қандай бўлиши керак — буни вақт кўрсатади. Лекин, янги бино ва ускуналардан ташқари, уларнинг ўз фаолиятига янги муносабат кераклиги кўриниб қолди. Бусиз институт ҳеч кимга керак бўлмай қолади, — деб якунлайди ўз мақоласини ЎзТАГ мухбири.

**⊙ СПОРТ — бизнинг дўстимиз.**

Ҳ. Шодиев сурат-лавҳаси.


РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ!

**Ўзбекистон ССР жисмоний тарбия ва спорт давлат комитети**

2-ЖУМҲУРИЯТ ОЛИМПИЯ РЕЗЕРВЛАРИ БИЛИМ ЮРТИ

(Самарқанд шаҳри, Тойлоқ посёлкаси)

**1990—1991 ўқув йили учун**

8-11 СИНФЛАРГА ВА I КУРСГА

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

Билим юрти юқори малакали спортчиларни, Совет Иттифоқи терма командаларига номзодларни тайёрлайди.

8-11 синфларда ўқиш учун ўтказиладиган кўрик конкурсида мактабдаги ўзлаштириши бўйича ижобий баҳоларга ва юқори спорт кўрсаткичларига эга бўлган йигит-қизлар иштирок этишлари мумкин.

I курсга (ўқиш муддати икки йил) ўрта маълумотли, СССР ва жумҳурият терма командаларига номзодлар қабул қилинади.

**Билим юрти спортнинг қуйидаги турлари бўйича ихтисослашган:** бокс, эркин кураш, самбо кураши, ўқ отиш, академик эшкак эшиш, байдарка ва каноэда эшкак эшиш, велосипед спорти (узун кўча бўйлаб), футбол.

БАРЧА СПОРТ БЎЛИМЛАРИГА ЎҚУВЧИЛАР 8-СИНФДАН БОШЛАБ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

**Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.**

**Ўқувчилар овқатланиш ва спорт кийими билан, бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

Билим юртининг тўлиқ курсини битирганларга спорт бўйича тренер-ўқитувчи малакасини бериш билан ўрта махсус маълумот олганлиги ҳақида диплом берилади.

**Ўқувчиликка қабул қилиш — 20—25 август кунлари ўтказилади.**

Спорт ташкилотининг йўлланмаси, соғлиғи тўғрисидаги тиббий шаҳодатнома, спорт кийими, таклиф билетини ёнингизда олиб келишингиз шарт.

Конкурс кўригида қатнашиш учун бориш-келиш, овқатланиш, жойлашиш харажатлари ота-оналар ҳисобидан бўлади.

**Билим юрти манзили:** 704453, Самарқанд шаҳри, Тойлоқ посёлкаси, Магистральная кўчаси.

**Телефон:** 5-49-36.

**Бориш йўли:** 309-«Самарқанд-Тойлоқ» йўналишидаги автобусларнинг «Регистон» автостанцияси бекати» (Навоий кинотеатри орқасида).

**Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳар халқ таълими Бош бошқармаси**

В. П. ЧКАЛОВ НОМИДАГИ ТОШКЕНТ АВИАЦИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ БАЗАСИДАГИ

**С. И. Қадишев номидаги 33-авиация ҳунар-техника билим юрти**

қуйидаги ихтисосликлар бўйича

**1990—1991 ўқув йили учун**

**ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ**

**Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, механика-йиғув ишлари слесари, учувчи аппаратлар деталларини тайёрлаш ва парчинлаб иш бажариш бўйича слесарь, кенг профилдаги станокчи, рақамли программа билан бошқариладиган станокларнинг оператори, фрезерчи, электр-газ пайвандчи.**

**ЎҚИШГА 8 ВА 10 СИНФ МАЪЛУМОТИГА ЭГА БЎЛГАН ҲАМДА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ВА ШАҲАР АТРОФИДА ЯШАБ ТУРУВЧИ ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

10-синфни тамомлаган ўқувчилар, шунингдек Совет Армияси сафларидан истеъфога бўшатилган ёшлар учун ўқиш муддати — 6—10 ой. Ўқувчиларга ойига 65 сўм стипендия тўланади. 8 синф маълумотига эга бўлган ўқувчилар учун ўқиш муддати — 1—3 йил. Улар бепул овқат ва кийим-бош билан таъминланадилар.

**Билим юртини тамомлагандан сўнг талабаларга ўрта маълумот ҳақидаги диплом ва касб бўйича тегишли малака оширгани ҳақидаги ҳужжат берилади.**

Ишлаб чиқариш практикаси даврида ўқувчиларга стипендия сақланган ҳолда ишлаб топган ҳақининг 50 фоизи тўланади.

**Билим юртидаги ўқиш даври умумий меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.**

ЎҚИШ — ЎЗБЕК ВА РУС ТИЛЛАРИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ.

Билим юрти ҳарбий-спорт базасига эга. Вокаль-чолғу ансамбли, авиамодель тўгараги, миллий чолғу асбоблари ансамбли, сурат чизиш студияси, духовой оркестр, дельтопланда парвоз этиш, компьютер техникаси тўгараклари ишлаб турибди. Билим юртида Ёшлар техника ижодиёти лабораторияси ишлаб турибди. Бу ерда ўқувчиларга бажарган иши учун 100 фоиз меҳнат ҳақи тўланади.

**Билим юртини тамомлаб чиққанлар В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасига ишга юборилади.**

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганларга эса олий ўқув юртларининг кундузги ва кечки бўлимларига, шунингдек барча олий ўқув юртларига ўқишга киришлари учун йўлланмалар берилади.

**Билим юртига ўқишга кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:** директор номига ариза, 8-синфни тамомлаганлиги ҳақидаги гувоҳнома ёки ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, туғилгани ҳақидаги гувоҳнома ёки паспорт, медицина справкаси (0/86 форма), 6 дона фотосурат (3x4 ва 4x5 см).

**МАШҒУЛОТЛАР — 1 СЕНТЯБРДА БОШЛАНАДИ.**

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 103, 106, 119, 171-автобуслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Қадишев номидаги билим юрти» бекати).

Телефонлар: 96-58-20, 96-47-70, 96-39-72.

# Жозибали ва шифобахш

АЙНИ шу ёз палласида ўлкамизнинг қайси бурчагига қадам босманг, кўркам табиатимизнинг саховатини кўрасиз. Улар нафақат жозибасини, балки шифобахш эҳсонини ҳам инъом этиб туради.

Сачратқи номли ўсимлик диёримизнинг қарийб барча вилоятларида, далаларда, экин майдонларида, тоғли далаларда учрайди. Бизнинг шароитимизда ўсувчи табиий сачратқилар июнь ойидан, то кеч кузгача ўз гулларини намойиш қиладилар. Бу беор гиёҳнинг ер устки қисми ҳамда илдизи озиқ-овқат маҳсулоти, синалган доривор омил сифатида ишлатилиб келинади.

Халқ табобати амалиётида сачратқи ўсимлигининг қуритилмаган илдизи ичбуруғ касаллигини ва яллиғланиш жараёнларини даволашда, илдизи асосида тайёрланган қайнатма иштаҳа очиш ва овқатни ҳазм қилишни яхшилаш учун тавсия этилади. Сачратқининг ер устки қисмидан тайёрланган қайнатма билан офтоб урган болалар чўмилтирилади.

Буюк табиб Абу Али ибн Сино сачратқи ўсимлиги ёрдамида кўнгил озганда, иситма хуруж қилганда, кўз яллиғланиши, шунингдек ич кетиши касалликларини даволаган. Ўсимлик сут шираси ёрдамида кўзга тушган оқни кетказишга ҳаракат қилган. Гиёҳнинг илдизини қуритиб, туйиб газанда ва ари чаққан жойга босишни тавсия этган.

Маълумотларга қараганда, сачратқи ҳамда мойчечак гуллари аралашмасидан тайёрланган қайнатмани жигар, талоқ, буйрак ва меъда касалликларида қўллаш мумкин. Ўсимлик меваси иситма кўтарилганда ҳароратни пасайтиради. Сачратқи кулини қаймоққа аралаштириб гуш, сувчечак, турли яралар ва бошқа тери касалликларига қўллаш амаллари ҳам бор.

Илмий манбаларда қайд этилишича, сачратқи гуллари одамнинг марказий асаб тузилмаларига тинчлантирувчи сифатида таъсир кўрсатади, юрак фаолиятига ижобий таъсир кўрсатиб, уни уйғунлаштиради. Илдизлари асосида тайёрланган қайнатма эса микробларга қирғин келтирувчи хусусиятга эга.

Сачратқи илдизидан уй шароитида қайнатма тайёрлаш учун оғзи ёпиладиган сирланган идишга икки стакан миқдорида сув солиб, устига майдаланган илдиздан бир чой қошиқ миқдорида ташланади. Уни енгил аланга устида бир оз қайнатиб, икки соат тиндириб қўйилади. Шундан сўнг дока воситасида сузиб олиниб, шарбатидан кунига уч маҳал овқатдан олдин ярим стакандан истеъмол қилинади. Ёки бир чой қошиқ ўсимлик ўтининг устига бир стакан миқдорида қайнаб турган сув солиниб, ширинлаштирилади-да, ярим стакандан кунига уч маҳал овқатланишдан олдин истеъмол қилинади.

Сачратқи ўсимлиги маҳсулотларидан ташқи муолажалар учун қуюқ дамлама тайёрланади, бунинг учун 20 грамм маҳсулот ярим литр сув нисбатида олинади. Улар гуш ва чипқон каби яраларда боғлама сифатида фойдаланилса, дарддан асар қолмаслиги мумкин.

**Маннон НАБИЕВ,**
**доришунос.**

## Кўриб дил яйрайди



Совет — Италия ҳамкорлигидаги қўшма корхонага киришингиз биланоқ, бу ердаги жамоа фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўргазмалар бир зумда эътиборингизни тортади. Уларнинг орасида ҳали сиз кўрмаган, савдо шохобчаларига энди йўл оладиган маҳсулотлар кўп. Аҳолининг кенг истеъмол буюмларига бўлган эҳтиёжини қондиришга корхона меҳнат аҳли алоҳида эътибор билан қарамоқда. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг аъло сифатлиги ва хилма-хиллиги мунтазам таъминланиб борилмоқда.

Яқинда корхонада, ҳар хил кўнгилочар ниқобларни тайёрлаш ўзлаштирилди. Энди ҳамшаҳарларимиз байрам кунларида, дўстлик кечаларида ўзларининг шоду хуррамликларини бемалол шу янги маҳсулотлар билан нишонлашлари мумкин.

**Р. АЛИЕВ.**

**СУРАТЛАРДА:** корхона маҳсулотларидан намуналар.

Н. Шарипов сурати.

## Бу—қизиқ

⊙ **ЭНГ кам миқдордаги ҳарбий сарф-харажат Андорра давлатига мансуб бўлиб, ўн долларнигина ташкил этади. Қайсики, у бўш патронларни тўлдириш учун сарфланади. Улар миллий байрамни нишонлашдаги мушакбозликда қўлланилади.**

⊙ **ДУНЁДАГИ энг кичик атом электр станцияси Нью-Мексико штатидаги машҳур Лос-Аламос лабораториясида америкалик олимлар томонидан бунёд этилган.**

**Барча қурилма олти тонна оғирликда бўлиб, айланаси ва баландлиги икки метргача катталикдаги цилиндр шаклида. Бу электр станция маҳаллий турар жойларни энергия билан таъминлашга мўлжалланган, у йигирма йил давомида узлуксиз ишлай олади.**

⊙ **ЭНГ миттн электр моторини бунёд этишга француз Жан Филиппо 1942 йилда муваффақ бўлган. Унинг бўйи уч ярим миллиметр, вазни 0,15 грамм. Мотори минутига тўрт минг мартадан ортиқ ҳаракатланиб, икки вольтли кучланишданина қувват олади.**

⊙ **ДУНЁДА энг кичик шаҳар Югославияда жойлашган бўлиб, у Хум деб аталади. Шаҳарда 25 киши яшайди. У ерда ҳафтасига икки марта тушгача ишлайдиган дўкон, икки черков, битта автобус ҳар куни уч марта қатнайди, икки кўча, кичик ресторан, ўн олти кўча ёритгичи ва еттитасида доимий одам истиқомат қиладиган ўн учта уй мавжуд.**

**Шаҳар илк бор 1102 йилги солномада қайд этилган. У қадимги Рим харобаларида бунёд бўлиб энг гуллаб яшнаган даврида уч юзга яқин аҳоли яшаган. Хум шаҳар мақомига XIII асрдан эга.**

⊙ **ОЛИМЛАР ҳозирга қадар қадимги Македониянинг энг улкан ва кўҳна даҳмасини аниқлашга муваффақ бўлдилар. Барча эҳтимолларга кўра у буюк Искандарнинг бувиси Эвридика Македонскаяга мансуб. Даҳма қурилиши вақти эрамиздан аввалги 330 йилдир. Унда икки метр баландликдаги подшонинг мармар тахти мавжуд.**

**Фозилжон ОРИПОВ**
**тўплаган.**

# *Мусиқа шайдоларига*

⊙ **ЖУМҲУРИЯТИМИЗ умумтаълим мактабларида мусиқа ва бадиий тарбия масалаларига катта аҳамият берилиб, бу ишнинг муваффақиятини таъминлаш йўлида муҳим тадбирлар қурилмоқда.** Ўзбекистон ССР Халқ таълими министрлиги ҳузуридаги мусиқа ва бадиий тарбия бўйича жумҳурият илмий-методик кенгашининг бу борадаги фаолияти ҳам диққатга сазовордир.

Умумий ҳамда ўрта ва олий махсус мусиқа таълими мактаблари талабаларини зарур адабиётлар билан қуроллантиришга ҳам эътибор кучайтирилди. «Хор қўшиқлари», «Ўзбек халқ қўшиқлари» каби китоблар мусиқа ўрганувчилар учун яхши дарслик бўлиб хизмат қилади.

Илғор педагогик тажрибаларни оммалаштиришга хизмат қилувчи тўплам ҳам босмага топширилади.

**Акбар АЛИЕВ.**

Ичкиликбозлик—иллат

# ОСТОНАДАГИ «ЧАШМА»ДАН ЗАҲАРЛАНГАНЛАР

Чилонзор даҳасининг 2-мавзесида истиқомат қилувчи эр-хотин Виктор ва Наталья Сорокаларнинг кўнгиллари вино тусаб қолди. Вақт ўндан ўтган бўлишига қарамай «Тунги вино дўкони»га равона бўлишди. Улар «дўконни» излаб узоққа боришмади. Кўчада вино сотиб турган икки ўсмирдан икки шиша «Чашма»ни 25 сўмга харид қилишди. Кайф-сафо гўё кўнгилдагидек ўтганди. Аммо эртасига тушдан сўнг улар ўзларини лоҳас сезишиб, оёқларини кўтариб босишлари оғирлашди, кўнгиллари айниб, тўш остида пайдо бўлган оғриқ тобора кучаяверди. Нафас олишлари қийинлашиб қолди. Чақирилган «тез ёрдам» машинаси эр-хотинни Тошкент шаҳар 1-клиник шифохонаси қошидаги жумҳурият токсикология марказига олиб келди.

Сорокалар яшайдиган мавзедан келтирилган Галина Қаландарованинг айтишига қараганда қариндошининг туғилган кунини нишонлашдан қайтган куни эрталаб балконига чиқса бир шиша «Чашма» турган экан. Қўшни дугонасини улфатчиликка чақириб «Чашма»ни бўшатдилар...

Қорақамиш даҳасида яшовчи 22 ёшли Алексей Шлютовнинг чўмилгиси келганди. У аввалига Чилонзор савдо марказида сантехник бўлиб ишловчи Генад Антоникнинг ишхонасига ўтди. Генад дарҳол шкафидан уч шиша «Чашма»ни чиқарди. Сўнг икковлон чўмилишга боришди. Эртасига А. Шлютов токсикология марказига келтирилди. Генад эса касалхонага олиб келиниши биланоқ ёруғ дунёдан кўз юмди.

Яна Чилонзор даҳасининг 2-мавзесидан келтирилган Иван Лемашкиннинг токсикология марказига тушишининг сабаби жуда қизиқ. Эрталаб эшигини очса остонада икки шиша «Чашма» турган эмиш. Учта ўртоқ бу шишаларни тезгина бўшатдилар. Улар ҳам ҳозир токсикология марказида.

Ё тавба, ичкиси келган кишиларга «шаробни ғойибдан ҳам бераверар эканда».

Юқоридаги аломатлар билан токсикология марказида даволанаётган ўнта бемор «Чашма»ларни қайси заводдан, кимдан сотиб олганлигини аниқ айтиб бера олмасаларда врачларнинг махсус текширувлари шуни кўрсатдики улар ичган «Чашма»лар таркибида таллий бўлиб, ана шундан заҳарланган эканлар.

Токсикология маркази шифокорлари бор имкониятларини ишга солишиб, беморлар ҳаётини сақлаб қолиш учун курашаяптилар. Аммо беморлар аҳволи жуда оғир.

Энди савол туғилади: хўш, бу беморларга ғойибдан садақани ким берди экан? Ажабо, нега менинг эшигим остонасига «Чашма» қўйиб кетишмади? Ёки туркана шароб тайёрловчи «нажоткор»ларини яширдимикинлар?

Ишқилиб шифокорларнинг саъйи ҳаракатлари зое кетмасин-да.

**Абдумажид ЭРГАШЕВ,**
**жумҳурият саломатлик марказининг матбуот шўъбаси ходими.**

**ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!**

«Тошкент оқшоми» рўзномасининг навбатдаги сони 12 июлда чиқади.

**Муҳаррир**
**Э. М. ЭРНАЗАРОВ.**

# РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


## ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИСИ ВА ПОЙТАХТ МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

**АЙРИМ ХИЗМАТЛАРНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ВА ИШ ВАҚТИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАМИЗ:**

**ЎТ ЎЧИРИШ ХИЗМАТИ** — 01 (кечаю-кундуз).

**МИЛИЦИЯ** — 02 — —.

**ТЕЗ ТИББИЙ ЁРДАМ** — 03 — —

**ШАҲАР ГАЗ ИДОРАСИНИНГ АВАРИЯ ХИЗМАТИ** — 04 — —

**ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИНИНГ ДИСПЕТЧЕРЛИГИ** — 05 — —

**ШАҲАРЛАРАРО ТЕЛЕФОН СЎЗЛАШУВЛАРИГА БУЮРТМА БЕРИШ** — 07 — —

**ШАҲАРЛАРАРО АЛОҚА МАЪЛУМОТ БЮРОСИ** — 007 — —

**ТЕЛЕФОН АЛОҚАСИДАГИ ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН БУЮРТМА БЕРИШ** (бунда 08 рақами терилиб, узлуксиз гудок эшитилгандан кейин носоз телефон номерини териш шарт) — 08, якшанбадан ташқари ҳар куни соат 8 дан 20.00 гача, шанба кунлари соат 8 дан 17.00 гача.

**НАСИЯГА ТЕЛЕГРАММА ҚАБУЛ ҚИЛИШ** — 008, (кечаю-кундуз).

**КОРХОНАЛАР, МУАССАСАЛАР, ЎҚУВ ЮРТЛАРИНИНГ ТЕЛЕФОНЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ** — 09, соат 8 дан 21.00 гача, сутканинг бошқа вақтида автоахборотчи жавоб беради.

**ФУҚАРОЛАРНИНГ УЙ ТЕЛЕФОНЛАРИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ** (телефон номерини билиш талаб этилаётган абонентнинг фамилияси ва манзилини айтиш лозим) — 009, соат 8 дан 21 гача.

**ТАКСИ БУЮРИШ** — 062 (кечаю-кундуз).

**ПОЕЗДЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ** — 005 — —

**ТЕМИР ЙЎЛ БИЛЕТЛАРИГА БУЮРТМА БЕРИШ** — 063, барча кунлари соат 8 дан 19 гача, танаффус соат 13 дан 14.00 гача.

**САМОЛЕТЛАР ҲАРАКАТИ ТЎҒРИСИДА МАЪЛУМОТ БЕРИШ** — 006 — —

**УЙГА ЭЛТИБ БЕРИШ БИЛАН АВИАБИЛЕТЛАРГА БУЮРТМА БЕРИШ** — 066, соат 9 дан 20 гача, танаффус соат 14 дан 15 гача.

**МАИШИЙ ХИЗМАТНИНГ МАЪЛУМОТ БЮРОСИ** — 065, ҳар куни соат 8 дан 20.00 гача.

**ПОЧТА АЛОҚАСИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ХИЗМАТИ** — 067, якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9 дан 18.00 гача, танаффус 13 дан 14.00 гача.

**ДОРИХОНАЛАР МАЪЛУМОТ БЮРОСИ** — 069, якшанбадан ташқари ҳар куни соат 10 дан 16.30 гача.

**ОБ-ҲАВО ХИЗМАТИ** — 001 (кечаю-кундуз).

**РАДИОЭШИТТИРИШ НУҚТАЛАРИДАГИ ШИКАСТЛАНИШЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ УЧУН БУЮРТМА БЕРИШ** — 33-42-28 (кечаю-кундуз), 33-17-10.

**Тошкент шаҳар телефон алоқаси ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.**

Тошкент шаҳар савдо Бош бошқармасининг

**«ЁШЛИК» МАКТАБ-МАГАЗИНИ**

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КОНТРОЛЁР-КАССИРЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

6 ОЙЛИК КУРСЛАРГА ВА

ОЗИҚ-ОВҚАТ МОЛЛАРИ КИЧИК СОТУВЧИЛАРИНИ ТАЙЁРЛАЙДИГАН

4 ОЙЛИК КУРСЛАРИГА

**навбатдаги қабулни ўтказади**

25 ёшгача бўлган, 8 ва 10-синф ҳажмидаги маълумотли, Тошкент шаҳрида доимий пропискаси бўлган қизлар кириш имтиҳонларисиз қабул қилинади.

Ўқувчиларга ойига 50 сўмдан 64 сўмгача стипендия тўланади ва ўқиш вақти меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ўқувчилар айни пайтда кечки мактабда ёки савдо техникумларида ўқишлари ҳам мумкин.

**Ўқишни битирганларга йирик магазинларга ишга йўлланма берилади ва Совет савдоси техникумининг сиртқи бўлимига ўқишга киришлари учун имтиёзли шароит яратиб берилади.**

Ўқишлар рус ва ўзбек тилларида олиб борилади.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, Кафанов кўчаси, 65-уй (1, 2, 5, 8, 9, 10, 24, 26-трамвайларнинг «Госпиталь бозори» бекати).

Қўшимча маълумотлар олиш учун телефон: **55-75-15.**

ТОШКЕНТ ШАҲАР АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ, ҚАЙТА ЎҚИТИШ ВА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИШ МАРКАЗИ

## ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

**ТОШКЕНТДАГИ «МАЛИКА» ТРИКОТАЖ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:**
**тикувчилар, тўқувчилар.**

**ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИГА:**
**Йўл монтёрлари, тоннель ишчилари, пул майдалаш автоматларининг операторлари, чилангар-электрчилар, электр монтёрлар, ишлаб чиқариш биноларини тозаловчи фаррошлар, эскалатор навбатчилари.**

**ТОШКЕНТДАГИ «МАТБУОТ» ПОЛИГРАФИЯ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:**
**муқовасозлар, сураткашлар, ретушчи рассомлар, қоровул (фаррош).**

**«ТАШГОРПРОМСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ ИЖАРА ПУДРАТИДА ИШЛОВЧИ 1-ҚУРИЛИШ-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИГА:**
**ишбошилар, омилкор усталар, геодезист, чилангарлар, бетончилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, электр пайвандчилар, монтажчилар, ёрдамчи ишчилар.**

**«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИГА:**
**токарлар, фрезерловчилар, штампловчилар, механика-йиғув ишлари чилангарлари, электр пайвандчилари, электрчилар, бўёқчилар (эркаклар), кўприкли кран кранчилари.**

**ТОШКЕНТ ХАРИТАШУНОСЛИК ФАБРИКАСИГА:**
**матбаа ишчилари, электр монтёрлар, матбаа ускуналари механиги.**

**Маълумотлар олиш учун қуйидаги район ишга жойлаштириш бўлимларига мурожаат қилинсин:**

Октябрь райони — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.

Киров райони — Энгельс кўчаси, 48-уй.

Куйбишев райони — К. Маркс кўчаси, 59-уй.

**ЧИЛОНЗОР НОҲИЯСИДА ЯШОВЧИ ҲАМШАҲАРЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Агар хонадонингизда холодильник, кир ювиш машинаси, чанг ютгич ва тикув машинаси бузилиб қолса, ҳеч ташвишланманг.

Сизга Тошкент «Рембиттехника» бош корхонасининг малакали усталари бажонидил ёрдам беришади.



УСТАХОНАЛАР МАНЗИЛИ: Олмазор кўчаси, 14-уй, телефонлар 45-77-49, 45-77-50.

И. Франко кўчаси, 63-уй. Телефон — 76-89-97.

«Москва» кафеси. Телефон — 72-85-14.

**«8 ёшдан 80 ёшгача бўлган ҳамма учун спортнинг қайси тури энг мақсадга мувофиқ ва маъқуллиги тўғрисида ўйга толар экансиз, бу — теннис спорти деган хулосага келасиз...»**

И. В. ИЛЬИНСКИЙ.

Агар Сиз соф ҳавода дам олиб, ҳордиқ чиқаришни, асабий тарангликдан халос бўлишни, руҳан енгил тортишни истасангиз мамлакатимиздаги энг яхши спорт иншоотларидан бири бўлмиш «Динамо» теннис клубига марҳамат қилинг.

Теннис комплекси 11 та қум—тупроқли аъло сифатли кортлар ва 6 та асфальтли кортлардан, замонавий жиҳозланган тренажёр зали, кенг ва қулай кийиниш-ечиниш хонаси, жилвирак хоналари, ҳордиқ чиқариш хонаси ва кафедан ташкил топган.

Яхши ракеткалар, коптоклар, кортларни ижарага олиш, исталган маркадаги тўр тортиш, Сизни қизиқтираётган спорт-теннис мавзуида консультация олиш, шифокор билан маслаҳатлашиш, уқалаш муолажаларини олиш мумкин.

Теннис ўйнашга ўрганишнинг эрта-кечи йўқ. Оила аъзолари билан жамулжам бўлиб машқ қилиш эса бу ўйинни янада мароқли қилиб, одатдаги шароитларда иложини топиб бўлмайдиган фарзандлар қалбига йўл топиш, улар билан муомала қила билиш имконини беради.

Машғулотлар шифокор назорати остида тренерлар раҳбарлигида ўтказилади. Улар Сизга қисқа муддат ичида теннис ўйинининг нозик томонларини ўзлаштириб олишингизда ёрдам беришади.

БИЗ СИЗНИ ТЕННИС ЎЙНАШГА ЎРГАТАМИЗ. ТЕННИС — БУ СИЗБОП СПОРТ ТУРИДИР!

«Динамо» теннис клуби алоҳида фуқаролар билан машғулотлар ўтказади, шунингдек, ходимлар билан гуруҳий машғулотлар ўтказиш учун ташкилотлар билан шартномалар тузади.

**Манзилимиз:** Тошкент шаҳри, 125, Височовольтний массиви, «Динамо» теннис клуби. Телефонлар: 62-63-13, 63-19-39, 63-19-40 (метронинг «М. Горький» станцияси, шоҳкўча бўйлаб: 6, 13, 22-трамвайлар; 9, 18-троллейбуслар; 17, 71, 83-автобусларнинг «Маданият институти» бекати).

## ДИҚҚАТ!

**ОЛДИНДАН БЕРИЛГАН БУЮРТМАЛАР БЎЙИЧА КИТОБЛАР!**
**«ТАШКНИГА» ШАҲАР КИТОБ САВДО ИДОРАСИНИНГ КИТОБ МАГАЗИНЛАРИГА**

**қуйидаги нашриётларда 1991 йилда чоп этиладиган адабиётларнинг аннотацияланган**

**ТЕМАТИК ПЛАНЛАРИ ОЛИНДИ:**

«Мисль».
«Издательство Ленинского университета».
«Издательство Московского энергетического института» (Москва энергетика институти нашриёти)
«Лесная промишленность»
«Гидрометеоиздат»
«Физкультура и спорт»

**Буюртмаларни ўз вақтида расмийлаштиришингизни сўраймиз.**

**МУСТАҚИЛ ТИЛ ЎРГАНУВЧИЛАР ДИҚҚАТИГА!**

Агар ўзбек ва инглиз тилларини ўрганиш ёки билимингизни такомиллаштириш билан боғлиқ муаммоларингиз бўлса, «Узэнергоналадка» корхонасида ташкил этилган ТИЛЛАРНИ ТЕЗКОР ЎРГАНИШ БЎЙИЧА ТАЖРИБА МАРКАЗИга мурожаат қилинг.

Марказда тилларни мустақил ўрганиш учун лингафон хонаси мавжуд.

Марказга қабул қилинган талабалар имтиёзли нархларда лингафон курсларини (магнит ёзувли кассеталарни ва китобларни) сотиб олишлари мумкин. Маълумотларни дам олиш кунларидан ташқари ҳар куни 33-80-01 телефони орқали соат 9 дан 12.00 гача олсангиз бўлади.

**«Узбекэнерго» ишлаб чиқариш бирлашмасининг «Узэнергоналадка» корхонаси.**

**«Союзреклама» ишлаб чиқариш Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама ишлаб чиқариш корхонаси.**


## КИНО

**10 ИЮЛДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Санъат саройи** — «ЭЛЬВИРА — ЗУЛМАТ ҲОКИМАСИ» (катта зал, 17, 19, 21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (кичик зал, ўзбек тилида, 17, 19.30).

**Чайка** — «ЯНГИ ОРЛЕАНДАГИ ҚОТИЛЛИК» (тоқ соатларда).

**Нукус** — «ШАРЛО ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (17, 20.00).

**Восток** — «ОИЛА» (18.30, 20.45).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «АТИРГУЛ НОМИ» (18.30, 21.00).

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — «МЕНИНГ ДЎСТИМ — СОТҚИН» (17, 20.00).

**Хива** (ёзги) — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (21.15).

**Фестиваль** (ёзги) — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (21.15).

**11, 12 ИЮЛДА**

**БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:**

**Санъат саройи** — «ЭЛЬВИРА — ЗУЛМАТ ҲОКИМАСИ» (катта зал, 11, 13, 15, 17, 19, 21.00); «ТЕМИР ХОТИН» (кичик зал, ўзбек тилида, 12, 14.30, 17, 19.30).

**Чайка** — «ЯНГИ ОРЛЕАНДАГИ ҚОТИЛЛИК» (тоқ соатларда).

**Нукус** — «ШАРЛО ИСПАНИЯДА», «СТАДИОНДАГИ ТЕНТАКЛАР» (11, 14, 17, 20.00).

**Восток** — «ОИЛА» (11, 13.30, 16, 18.30, 20.45).

**Тошкент Советининг 50 йиллиги** — «БЕЙБАРС» (11, 13.30, 16); «АТИРГУЛ НОМИ» (18.30, 21.00).

**ВЛКСМ 30 йиллиги** — «МЕНИНГ ДЎСТИМ — СОТҚИН» (11, 14, 17, 20.00).

**Хива** (ёзги) — «НАВИГАТОР ПАРВОЗИ», «МЕНИНГ ДУШМАНИМ» (21.15).

**Фестиваль** (ёзги) — «ЗУМРАД ТОШ МОЖАРОСИ» (21.15).

Тошкент шаҳар, Киров районидаги 105-ўрта мактаб томонидан **Аҳророва Зуҳра Азизовна** номига берилган В 866574 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар 37-ҳунар-техника билим юрти томонидан **Мирходжаев Рустам Хакимович** номига берилган А-516393 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент шаҳар, Чилонзор ноҳиясидаги 52-кечки ўрта мактаб томонидан **Маҳмудов Тўлқин Марифович** номига берилган 237356 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Тошкент политехника институти ректорати, партия комитети, жамоатчилик ташкилотлари, умумий фойдаланиш ҳисоблаш марказининг бошлиғи Х. М. Дўстмуҳамедовга отаси

**Мирҳожи Миртожиевич ДЎСТМУҲАМЕДОВнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Чилонзор ноҳияси ошхоналар тресги жамоаси 7-ошхона мудири муовини

**Дамир Аъзамович ТУРАЕВнинг**

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент электротехника алоқа институти томонидан **Гулмонов Кадам Тиллабоевич** номига берилган УВ—I 051569 серия номерли йўқолган

ДИПЛОМ

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 282-ўрта мактаб томонидан **Зокиров Рустам Тўхтамуротович** номига берилган

8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**ТОШКЕНТ оқшоми**

**(«Вечерний Ташкент») — орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и городского Совета народных депутатов.**

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

**МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.**

ТЕЛЕФОНЛАР: қабулхона — 32-53-76; хатлар — 33-29-70; 32-53-79; жамоатчилик қабулхонаси — 32-55-83.

**Якшанбадан ташқари ҳар куни ўзбек ва рус тилларида мустақил чиқади.**

Р — 10131.
140.390 нусхада чоп этилади. **Индекс 64690. Д—2201.**
**1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10.**